

## ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКИЯ МУНОСАБАТЛАРИ



Туркия Жумҳуриятинг Маданият Вазири Эртуғул Гуной Ўзбекистонга расмий ташриф билан келди. Бундан олдин хабар берганимиздек, Анқарада хорижий давлат элчилари қабулида Ўзбекистоннинг Туркиядаги элчиси Туркия давлати ва ҳукумати ҳақида илиқ фикрларни билдирганди. Туркиянинг миллий байрами муносабати билан И.Каримовнинг Туркия раҳбарларига табрикнома юборгани ҳам маълум қилинди...

Хўш, шуларга асосланиб, Туркия ва Ўзбекистон орасидаги муносабатлар нормаллашаяптими? деган савол туғилади. И.Каримовнинг Туркия давлати билан ўзаро муносабатларни “музлатиб” қўйишининг турли сабаблари бор эди.

Бу сабаблардан бири, Муҳаммад Солиҳ бошчилигидаги мухолифларнинг Туркияда бошпана топишлари бўлса, иккинчиси (бу бизнинг тахминимиз) Туркиянинг сўнгги йилларда Ислоний жамият куриш томон отган одимлари эди. Ҳозирги кунда бу икки сабаб ҳам ўртадан кўратилмагани ҳолда, нима учун Туркия ва Ўзбекистон муносабатларида ижобий силжишлар кўринаяпти?

Бу саволнинг жавоби бизнинг учун мавҳумдир. Аммо бу “ижобийлик” икки давлат учун фойдали, деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистон учун Туркиянинг яқин тарихи ва тараққиёт модели муҳимлигини ҳаммамиз биламиз. Бу икки давлат халқларининг асосан мусулмонлардан иборат эканлиги ва Туркиянинг мусулмон дунёсидаги обрўси туфайли учун ҳамдир.

Қолаверса, Ўзбекистондаги ҳозирги ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий бўҳронни енгишда Туркия ўз ҳиссасини қўшиши, Ўзбекистоннинг нафақат Ислон дунёси билан, балки Ғарб давлатлари билан алоқаларида ҳам

Туркия ўзига хос кўприк ролини ўйнаши мумкин. Бунинг устига Турк давлатлари Қенгашининг роли ва вазифалари Ўзбекистон ва Туркия муносабатларининг яхшиланиши билан яна-да кўпроқ аҳамият касб этиши мумкин.

Хўш, ўзаро муносабатларнинг яна-да яхшиланиши нималарга боғлиқ? Буни Туркия Бош Вазири Тойиб Эрдўгоннинг “Мен ўз халқига зулм қиладиган раҳбарлар билан дўстлашмайман” сўзлари билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Яъни, бунинг учун Ўзбекистондаги зулм режими ўзининг моҳиятини ўзгартириши, давлат ва фуқаролар ҳаётида эркинлик, ҳуқуқ ва адолат принциплари ўрин олиши керак бўлади. Бу соҳада Туркия даражасига келишининг исботи икки давлат фуқароларининг эркин саёҳати, талабаларнинг бу икки давлатда тўсиқсиз (визасиз) таълим олишлари, тадбиркорлик фаолиятининг қулайлаштирилиши ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам ҳозирда Ўзбекистонда ноҳақ қамалган турк тадбиркорларининг озод қилиниши ва уларга мол мулкларининг қайтариб берилиши икки давлат муносабатларидаги музларнинг эрий бошлаганига ишорат бўла олади. Бунинг учун эса Ўзбекистондаги мавжуд режимнинг ислох қилиниши шартдир. Туркия айнан шу нуқтада Ўзбекистонга ўрнатилган ва ёрдамчи бўлиши мумкин, деб ўйлаймиз.

Намоз Нормўмин

## КЎМИР НАРХИ НАЗОРАТГА ОЛИНАЯПТИ, ХАЛҚДА ТАБИЙ ГАЗ ҲАМУЗ ЙЎҚ

Ўзбекистон ҳукумати аҳолига сотиладиган кўмир нархи кўтарилиб кетишига йўл қўймаслик ҳақида махсус қарор қабул қилган. Газга бой Ўзбекистон Хитойга сотадиган табиий гази миқдорини ошириши ҳақидаги хабарлар тарқалаётган бир пайтда маҳаллий аҳоли кишига ўтин-кўмир ҳамлаб қўйишлари лозимлиги ҳақида огоҳлантирилмоқда.

(Давоми 2-Саҳифада)

## ПАРИШОНХОТИРЛАР МАМЛАКАТИДА

Элимиз парижонхотир. Ким билади, балки, унинг муттассил равишда ўзини “бахтли” ҳис қилишининг сири ҳам мана шу саодат келтирувчи парижонхотирликдир. Нима бўлганда ҳам ҳали биронинг ўз парижонхотирлиги учун жазоланганини эшитмадик. Аксинча, муқофот олаётганларнинг ҳаммаси айнан парижонхотирлардир.

(Давоми 2-саҳифада)

## СЕНИНГ БОРИНГ ШУ!

Маломатгўй майли қилгил, маломат, Сендаги асли бор иқтидоринг шу. Ҳолингга вой сени, бўлгач қиёмат, Олиб келган қилмиш кирдикоринг шу?!

Умринг ўтди, гумроҳликда, кўр бўлиб, Ишинг дилзорлик, ақлинг гўр бўлиб, Майли, бугун юриб тургил зўр бўлиб, Фитна-фасод қилиш, ифтихоринг шу!

(Давоми 3-саҳифада)

## НИМА ДЕДИНГИЗ? БИЗНИКИ МАЪҚУЛМИ?

Аммо хавф ўлгур туғилаверади-туғилаверади. “Ҳой барака топгур, йигирма йилдан бери битта хавфни бар-тараф этолмасанг, нима қиляпти ёмон қовуннинг уруғига ўхшаб кўпайган бу милисалар?” дейдиган ўтюррак йўқ.

(Давоми 4-саҳифада)

## НОДИРА АМИНОВАДАН МАКТУБ КЕЛДИ

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати сайтига Нодира Аминова номидан имзоланган бир мактуб келиб тушди. Мактуб ЎХХ фаоли, журналист Тўлқин Қораевга мурожаатдан иборат эди. Биз мазкур мурожаатни шахсан Тўлқин акага йўллаб, унга ўз муносабатини билдиришни илтимос қилдик.

(Давоми 11-саҳифада)



## КЎМИР НАРХИ НАЗОРATГA ОЛИНАЯПТИ, ХАЛҚДА ТАБИЙ ГАЗ ҲАНУЗ ЙЎҚ

Ўзбекистон ҳукумати аҳолига сотиладиган кўмир нархи кўтарилиб кетишига йўл кўймаслик ҳақида махсус қарор қабул қилган.

Газга бой Ўзбекистон Хитойга сотадиган табиий газ миқдорини ошириши ҳақидаги хабарлар тарқалаётган бир пайтда маҳаллий аҳоли кишга ўтин-кўмир ғамлаб кўйишлари лозимлиги ҳақида огоҳлантирилмоқда.

Киш-кировли кунлар бошланиши билан аввал Қашқадарё вилояти аҳли, кейин Наманган ва Фарғона вилоятида яшайдиган одамлар ҳам газ босими пайсаиб кетгани, устига-устак ҳаво совishi билан бир кеча-кундузда узатиладиган электр соатлари ҳам қисқарганини айтмоқдалар.

Мисол учун Фарғона вилоятининг

Риштон туманида бир кеча-кундузда 7-8 соат электр энергияси узиб қўйилаяпти.

Ақсар хуудларда оддий одамлар ўз маиший ҳаётларида фойдаланадиган табиий газ таъминоти сентябр ойи – Ўзбекистоннинг мустақиллиги байрамини нишонланганидан кейин ёмонлашганини айтдилар.

Охириги йилларда киш Ўзбекистон учун қаттиқ келди.

Жойларда маҳалла фаоллари жалб этилиб, аҳолини кўмир билан таъминлаш чоралари кўрилди.

Наманганликларнинг айтишларича, шу кеча-кундузда ҳам кишлоқ жойларида истикомат қиладиган одамларга бир тоннаси 85 минг сўм (31 АҚШ долларидан зиёдрок)дан кўмир тарқатишга киришилган.

Фарғонада бир трактор прицепига тўлдирилган ўтиннинг нархи 1,5 миллион сўм ёки 550 АҚШ долларига етган.

Одамлар уйларины иситишнинг отабоболар давридаги сандал-танча усулларига қайтишга мажбур бўлганларига анча бўлди.

Қаҳратон киш янги кашфиёту-уй-

ларни иситиш янги усулларины топишга ҳам ундамоқда.

Фарғоналиклар шу кунларда “Олтиариқ печкаси” мода бўлгани ҳақида гапирмоқдалар.

Бу печканинг хусусияти унда фойдаланиладиган арра қириндиси ёки оддий одамлар “апилка” деганда яхшироқ тушунишадиган қурилиш чиқиндиси ёнишига асосланган.

Аҳолига арзон нархда берилётгани айтилган “Ангрен кўмири”нинг сифати кўнгилдагидек эмас.

Бугунги кунга келиб хатто оддий ўзбекистонликларнинг суҳбатларида ҳам “газимиз Хитойга кетаяпти-да, биз нима ҳам қила оламиз”, деган гапни эшитиш мумкин.

Бу халққа ҳисобот берилмайдиган мамлакатда норозилик эмас, фикрни ифода қилишнинг бир шакли сифатида янграйди.

Қайта қуриш йилларида газини Россияга бериб, ўзи тезак ёққан ўзбегим ҳақида шеър ёзилганини эслаш ҳам маъқул кўрилмайди.

[bbc.co.uk/uzbek](http://bbc.co.uk/uzbek)

**Ўтмиш бугунги кун нуқтаи назаридан яхшироқ кўрингани каби, бугунги кун ҳам ўтмиш нуқтаи назаридан аниқроқ кўринади. Масалан, 2000 йилда ёзилган куйидаги мақоланинг долзарблиги бугун ўша мақола ёзилган пайтдагидан икки баробар долзарброқ дейиш мумкин, чунки мақолада тилга олинган сиёсий лўтвиозликлар кейинроқ яна бир неча марта амалга оширилди ва бу фирибгарликларнинг бундан кейин ҳам давом эттирилмаслигига ҳеч бир кафолат йўқ. Колаверса, бу мақоланинг яна чоп этилиши мақолада зикр этилган “хотирлаш” нуқтаи назаридан ҳам муҳимдир. (Муаллиф)**



## ПАРИШОНХОТИРЛАР МАМЛАКАТИДА

Элимиз паришонхотир. Ким биларди, балки, унинг муттассил равишда ўзини “бахтли” ҳис қилишининг сири ҳам мана шу саодат келтирувчи паришонхотирликдадир. Нима бўлганда ҳам ҳали бировнинг ўз паришонхотирлиги учун жазоланганини эшитмадик. Аксинча, мукофот олаётганларнинг ҳаммаси айнан паришонхотирлардир. Ёки, яна ҳам аниқроғи, ўзини шундай қилиб кўрсатаётганлардир.

Янги сайловлар яқинлашар экан, Ўзбекистонда бугун ҳеч ким яқин ўтмишимизга боқиб, хотирасини зўриқтиришни истамайди. Чунки, барча ўтмишга эмас, “буюк келажак”ка боқишни истайди, негаки, бу бир томондан инсонга ҳеч қандай масъулият юкламайди, иккинчи томондан, ўтмишни келажак билан солиштириш сингари хатарли харақатни соқит қиладди.

Бугун ўзини янги президентлик учун ҳозирлаётган ва мана, тўрт йилдан бери Ўзбекистондаги сиёсий ҳокимиятни ноқонуний равишда,

Конституцияда ёзилмаган “референдум” орқали эгаллаб олиб, ўзининг давлатга қарши жинойтлари билан ўлкани ҳалокат ёқасига келтириб қўйган, узурпатор ва нолегалитим президент И.Каримовнинг ўтган, тўғрироғи, ўтмаган (1996 йилдаги) сайловлар арафасида берган ваъда ва қилган ўтинчларини ҳеч ким эсламайди. Чунки, ўзбекнинг “юз-хотир”и унинг хотирасидан устунроқ келмоқда.

Ёзувчи Чингиз Айтматов ўз романидаги мажозий персонаж – манқуртдаги хотирасизлик касалини унинг бошига душманлар томонидан ўралган туя терисининг ҳалокатли таъсири билан изоҳлайди. Хўш, биз ўзимиздаги хотирасизликни нима билан оқласак экан, бошимиздаги дўппи биланми? Ҳар ҳолда, сўнги пайтларда ўзбек халқининг бугунги ижтимоий-сиёсий-маънавий аҳолини унинг ирсий хусусиятлари билан изоҳлашга бўлган интилиш кўпроқ кўзга ташланмоқда. Хусусан, “юртбошининг “халқ демократияга

тайёр эмас” деган “пурмаъно” гапини эсланг. Гап эслаш ҳақида кетган экан, келинг, Каримовнинг ўз президентлик муддатини узайтириш учун уюштирган қонунга зид референдум олдидан берган ваъдаларини ҳам эслашга ҳаракат қилайлик, ўшанда у: “агар менинг президентлик муддатимни 2000 чи йилгача узайтириб берсанглар, ўз номзодимни бошқа президентликка қўймайман”, деб ваъда берган эди.

Бугун эса, у, ҳеч нарса бўлмагандай, сайловга тайёрланмоқда. Бундай “хотири-жамлик” сабабини, балки, юртбошининг бундан 8 йил олдин айтган: “унгача ё эшаги ўлади, ё эгаси” деган гап-доктринасида излаш керакдир? Юртбошининг “хотирри-жамлиги” халқнинг хотирасизлиги устига қурилмаганми? Хуллас, биз ҳам озгина хотирамизни жамласак, кўп синоатларнинг илдизи очилган бўлар ва ўшанда – эшаги аллақачон ўлиб бўлганини, аммо эгаси ҳали ҳам отдай эканлигини кўрган бўлар эдик.

Максуд Бекжон

АҚШни эртадан бошлаб ўз таъсирига оладиган Сэнди (Sandy) тўфонига қарши жорий ҳукуматнинг муҳтамак заиф тадбирлари Ромни фойдасига ишлаши мумкин.

Душанбадан эътиборан АҚШнинг шимоли шарқий штатларига ўз таъсири кўрсата бошлайдиган Сэнди (Sandy) тўфони Президент Обама ва унинг республикачи рақиби Митт Ромнига ҳам зарба беради.

## АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ КИМ БЎЛИШНИ ТЎФОН ҲАЛ ҚИЛИШИ МУМКИН

Обама билан Ромни бу тўфон туфайли Виржиния ва Флорида штатларида ўтказилиши режалаштирилган сайловолди дастурларини бекор қилишга мажбур бўлдилар. Шунингдек, тўфон зарарларини мумкин қадар камайтириш мақсадидаги Обаманинг сайловолди дастурларини бир муддат тўхтатиши назарда тутилган.

Ромнининг сайловолди штаби унинг Виржиниядаги дастурларини тўлиқ бекор қилиб, унинг ўрнига Огайо штатида сайлов ишлари билан машғул бўлишини билдирган.

Оқ Уй Обаманинг Флорида ва Виржи-

ния штатларидаги сайловолди тадбирларини бекор қилганини очиклади. Сэнди тўфонининг таъсири остида қоладиган шимоли шарқий соҳилларда жойлашган Виржиния, Огайо, Пенсильвания, ва Нью-Хемпширдаги сайловчиларнинг овози демократлар учун ҳам, республикачилар учун ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки бу штатлардаги сайловчилар ҳозиргача кимга овоз беришлари масаласида қарор бермаганлар.

Мана шундай 11 қарорсиз штат (swing state) орасида ўрин олган Виржиния, Огайо, Пенсильванияда Обаманинг сайловни ютқизиши унинг иккинчи марта Оқ Уйда ўтириш орузини йўққа чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳам Обаманинг 6 ноябрда зарба бериши кутилаётган тўфонга қарши яхши тадбирлар олиши тахмин қилинмоқда. Обама бу хусусда Миллий Бўхрон Маркази (FEMA) ва Ички Хавфсизлик Вазирлигига махсус таълимотлар берган. 2011 йили август ойида Американинг шарқий штатларида содир бўлган тўфонларга қарши федерал ва



маҳаллий ҳукуматнинг тадбирларини муваффақиятли бошқарган Обама бу хусусда яхши тажрибага эгадир. Фақат мутахассисларнинг фикрича, Сэнди тўфони Ирен тўфонига нисбатан кўпроқ зарар келтириши мумкин. Бу эса Обаманинг ишини қийинлаштиради албатта. Сайловолди анкеталарига кўра мамлакат доирасида бўлгани каби қарорсиз штатларда ҳам деярли тенг кураш олиб бораётган Ромни билан Обаманинг 6 ноябрга қадар йўл қўядиган энг кичик хатоси ҳам сайловда уларга катта зарар бериши мумкин. Шунинг учун ҳам Обаманинг Сэнди тўфонига қарши заифлик кўрсатиши янаги йилда Оқ Уйнинг ҳўжайини Ромни бўлади, деган маънони билдиради.

ЎХХ хабар маркази

## SANDY ДОВУЛИ АҚШ ШАРҚИЙ СОҲИЛИНИ ЗУЛМАТГА ЧЎКТИРДИ



Душанба оқшомида АҚШ шарқий соҳилларига ёпирилган Sandy довули оқибатида, камида 16 одам нобуд бўлди, 13 штатдаги 6,5 миллиондан ошиқ аҳоли электрсиз қолди. Бу офатнинг ҳали буткул ўтиб кетмагани айтилмоқда.

Супердовул ёпирилган дақиқаларда Атлантика океани АҚШ шарқий қирғоқларини ўз домига тортгандек кўринди ва қатор шаҳарлар сув ичида қолди.

Пойтахт Вашингтон баробарида Атлантика океани шарқий соҳилида жойлашган 13 штат довул келиши билан қоронғуликка чўқди.

10 миллионга яқин одам яшаётган Нью Йорк шаҳрида фавқулодда ҳолатда ишга туширишга ҳозирланган генератор ишламай қолди, уйлар ертўллари, муҳими метро бекатлари ва тунелларни сув босди.

Кўп штатларда кўчаларга ёпирилган сув оқибатида машина-

лар, уйларнинг иккинчи қаватигача сув остида қолди.

Электрсиз қолган касалхоналар сунъий нафас олиш машиналарига уланган беморлар ҳаётини қўлбола усуллар билан сақлаб туришга, минглаб мижозларни эвакуация қилишга мажбур қолди.

Об-ҳаво мутахассислари, Sandy довулининг шарқий соҳилдан бутунлай ўтиб кетмаганидан

огоҳлантирмоқдалар.

Шимолий Жоржиадан Канада томон кучли бўрон сақланиб қолаётгани, АҚШ ўрта-ғарбий штатларига кучли ёмғир келгани, ғарбий Виржиния тоғларига айна соатларда қалин қор ёғаётгани айтилмоқда.

Табиий офат оқибатида шарқий соҳил штатларининг ўнлаб аэропортларидан учиб-қўниши режаланган минглаб рейслар бекор қилинди. Федерал ҳукумат идоралари, мактаб ва бошқа муассасалар ёпиқлигича қолмоқда.

Нью Йорк шаҳар метросини сувдан тозалаб, қайта ишга тушириш учун тўрт кун вақт кераклиги айтилмоқда. Бу эса, миллионлаб одамнинг кундалик ҳаёт тарзига қайтиши яна бир неча кун имконсизлигича қолади, деганидир.

“Нью Йорк шаҳар метроси 108 йиллик, аммо у ўз тарихида ўтган тундаги каби фалокатни кўрмаган”, дея баёнот берди довулдан сўнг шаҳар метрополитени

раиси Жозеф Лхота.

Супердовул келтирган вайронгарчилик кўламнинг шарқий соҳилда тонг отгач аниқ маълум бўлиши кутилмоқда. Аммо ҳукуматнинг дастлабки ҳисоб-китобига кўра, Sandудан етган иқтисодий зарар камида 7 миллиард долларни ташкил этади.

АҚШ президентлик сайловида санокли кунлар қолганда ёпирилган довул муносабати билан президентликка даъвогарлар Барак Обама ва Митт Ромней ўз сайловолди кампанияларини тўхтатишга мажбур бўлди.

ozodlik.org

## СЕНИНГ БОРИНГ ШУ!

Маломатгўй майли қилгил, маломат, Сендаги асли бор иқтидоринг шу. Ҳолинг вай сени, бўлгач қиёмат, Олиб келган қилмиш кирдикоринг шу?! Умринг ўтди, гумроҳликда, кўр бўлиб, Ишинг дилозорлик, ақлинг ғўр бўлиб, Майли, бугун юриб тургил зўр бўлиб, Фитна-фасод қилиш, ифтихоринг шу! Бугунги имконлар бир кун сетади, Омонат ҳаётдан ҳамма ўтади, Сени икки дунё хорлик кутади, Ўзинг танлаган йўл, ихтиёринг шу! Сен ҳасад ўтида ёнасан доим, Ургочи шайтондек юмшоқ мулойим, Ўзи инсоф берсин сенга Худойим, Тухмат, ғийбат қилиш, сенинг коринг шу. Ҳаётда яшашдан мақсадинг нима? Фитналар тўқишдан мақсадинг нима? Золимга ёқишдан мақсадинг нима? Иблисга қул бўлдинг, севган ёринг шу. Жазонинг дунёда фақат сайф сенга, Бузғунчилик қилиш гўё кайф сенга, Гапириш керакмас, сўз ҳам хайф сенга, Нима дейлик ахир, сенинг боринг шу!

М. Абутов.

Дунёдаги ҳеч бир амал, бу амални шахслар ёки жамиятлар (давлатлар) содир қилишдан, яхшилик ёки ёмонлик бўлишдан қатъий назар жавобсиз қолмайди. Яхши амаллар меваги дарахтлар каби яхши “мева” берадилар. Ёмон амалларни қилганлар эса яқка ёки умумий ҳолда бу амаллари учун жавоб берадилар...

Ислом динига кўра бирор жойга Аллоҳ таолонинг жазоси келадиган бўлса, мўминлар дарров тавба истиғфор қилиб бошлайдилар. Бунинг учун жазо айнан мўминларга берилган бўлиши шарт эмас. Илоҳий жазо кофирлар, динсизлар, мушриклар бошига келган бўлса, мўминлар бундан хурсанд бўла олмайдилар, буни байрам қила олмайдилар. Чунки гап жазо кимга берилгани ҳақида эмас, оламларнинг Парвардигорининг қаҳри ҳақида кетади.

Аллоҳ таоло қаҳр қилганда эса инсонлар даҳшатга тушиб қоладилар ва худди Зилзила сурасида айтилгандек, “Инсонлар ерга нима бўлаяпти, дея” қайғуга тушадилар.

## ҲАҚ ЖАЗО КЕЛГАНДА...

Ривоятларда айтилишича, Расулulloҳ (сав) саҳобалар билан сафардан қайтар эканлар, бир маконга ишорат қилиб шундай деганлар:

Бу ердан йиғлаб ўтингизлар, чунки бу ерда бир қавмга Аллоҳнинг жазоси тушган эди...

Ўтган йили Японияда зилзила ва тцунами бўлиб, шаҳарлар хонавайрон бўлиб, мингларча инсонлар ўлганида баъзи мусулмонларнинг бундан хурсанд бўлганларини эшитиб, ўзимча мусулмон, аммо жохил инсонлар экан, деган ҳа ёлга боргандим.

Чунки бундай ҳолда жазоланувчининг ҳолига қулиш эмас, жазо берувчининг қаҳридан кўрқиб йиғлаш лозим бўлади.

Шуни унутмаслик керакки, Аллоҳнинг жазоси келганда мўмин кофир демай, барчанинг бошига айни мусибат ҳам тушиши мумкин.

Айниқса бугунги дунёда, унинг турли бурчларида мусулмонлар ва

мусулмон бўлмаганлар аралаш қуралаш бўлиб яшайдиган муҳитда умумий жазодан ҳеч ким қутулиб қолмаслиги мумкин.

Аммо яна такрор айтаемиз, муҳими жазоланувчиларнинг, улар ким бўлишдан қатъий назар, устидан қулиш эмас, тенгиз кучга соҳиб бўлган Роббимизнинг қаҳридан кўрқибдири.

Бугун АҚШ халқининг бошига шундай буюк мусибат, жазо келганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Нью Йорк мэрининг айтишича ҳозирги авлодлар бундай қулфатни бошларидан кечирмаган эканлар. Шубҳасиз, бу АҚШнинг дунё бўйлаб эстирган ва эстираётган террорига Роббимизнинг қаҳридир.

Шу билан бирга бу илоҳий огоҳлантириш, АҚШ халқи ва давлатини ёмонликлардан, дунёда олиб бораётган зулм сиёсатидан воз кечишга ундашири. Етарки бу давлатнинг инсонлари ва унинг ўзи бу мусибатдан зарурий хулосалар чиқарсинлар...

**Намоз Нормўмин**

## НИМА ДЕДИНГИЗ? БИЗНИКИ МАЪҚУЛМИ? (ҲАЖВИЯ)



Ажиб замонлар келди. Ким нима деётганини, гоҳида эса нима қилаётганлигини ҳам билмайди. Яқиндагина Советлар сиёсатига ҳамду-сано айтиб, коммунизм эртагига лаққа тушиб, керак бўлса,

Брежнев билан оғиз-бурун ўпишиб юришлар энг тараққийпарварлик чўққиси бўлгучи эди. Гарчи эракларнинг бир-бирига лаб босиб ўпишишлари ўзбекнинг ота-боболарида ҳам учрамаган урф бўлса-да, бунга биров “чурқ” этолмасди.

У кунлар ҳам ўтди-кетди. Бугун мана мустақилмиз. Мустақил бўлганимизга аллақачон йигирма йилдан ошди-ю, лекин ҳалиям ўша йигирма йилдан ўтган эски, сийқаси чиқган Истиклол пластинкамиз тўхтамайди.

Юртимизга кимлардир хавф туғдирапти экан, деймиз. Айбдорлар дарров топила қолади, жазога тортилади. Ахир Берия бобомиз бекорга айтмаганда: “Истатя бўлса бўлди, одам топилади”. Аммо хавф ўлгур туғилаверади-туғилаверади. “Ҳой барака топгур, йигирма йилдан бери битта хавфни бартараф этолмасанг, нима қиляпти ёмон қовуннинг уруғига ўхшаб кўпайган бу милисалар?” дейдиган ўтюррак йўқ.

Пластинка эса тинмай айланаверади-айланаверади...

Нима эмиш, биров масжидга борса бас, у террорчи эмиш! Биз ҳам худди каптархонадаги полопонларга ўхшаб, тепадан нима келса, озғимизни ланг очиб тураверамиз. Қўлимиз кўксимизда: “Сизники маъқул”!

Кеча қўшним бир латифа айтиб қолди. Афанди қози экан. Ким келса, “Сизники маъқул” деб чиқариб юбораваркан. Арздоргаем, айбдоргаем, айбсизгаем ўша битта гапни қайтаракан. Бир куни хотини танбех бериб қопти-ю: “Нега энди ҳаммага битта

гапни айтаверасиз? Лоақал бир марта бировга “сеники номаъқул” десангизчи”!

Шунда Афанди биров ўйланиб туриб: “Ана, бор-э хотин, сеникияма маъқул” деган экан. Шунча, бизда ҳозир ким тепага келиб қолса, бас, ўшаники маъқул. Нима деса, фақат маъқуллаймиз, бечора полопонлар ккаби бўлсин, “чурқ-чурқ” эта олмаймиз.

“Ўзбекистонда аёллар ҳижоб ўрамасин! Бу – эскилик сарқити! Ҳижобли аёллар террорчи бўлишади!” Гап йўқ! Катта айтдиларми, тамом. “Подшонинг амри – вожиб!”, биз ҳам айнан шуни айтмоқчи бўлиб турувдик ўзи. Нақд халқнинг кўнглидаги фармонни чиқардилар. Қўшқўллаб-қувватлаймиз: “Сизники маъқул”!

Бошқа биров айтади: “Замонавийлик бизга нима бердики, унга тақлид қилсак?” Биз эса яна икки қўлимиз кўксимизда: “Сизники маъқул!” деймиз. Одамлар мусулмон бўлиб кетаётгани бизни даҳшатга солади гоҳида. Ҳой барака топгурлар (юртбошимизгаем жиндақ тақлид қилвордик ана), қани ўша мусулмон? Мусулмончилик фақат соқол, ҳижоб, намоздан иборат деб ўйласангиз каттиқ янгилишасиз.

Қани мусулмон биродарлиги? Мусулмончиликни аксар ҳолларда кимларнингдир зоҳирий кўринишларида кузатаемиз, ботинан эса ўша ўзимизнинг совет даври одамлари ҳаммаси. Буни кимдир тушунади, кимдир умуман фаҳми етмайди. Буни ҳам ичимизда, сасимизни чиқармай айтаемиз. Мусулмон билан мусулмон эмаснинг фарқи, ароқ ичиб-ичмаганими? Ўзбекистонда ўн мингдан зиёд аҳоли фақат намоз ўқигани учун қамоқда. Қайси мусулмон уларнинг ғамини еди? Ёки динсиз ўзбек билан диндор ўзбек фарқ қиляптими? Йўқ! Униси ҳам, буниси ҳам тепанинг дубинкаси олдида тиззаси қалтираб, ҳатто ўз ҳаққини ҳам сўрашга ботинолмайди.

Лекин диктато... э...узр... муҳтарам юртбошимизнинг тактикасида ҳам беш кетмайман баъзан. Мақсад нима? Одамларни масжиддан бездиришми? Бундан осонроқ ишнинг ўзи йўқ-ку. “Террорчи” деган тамға босадиган суднинг ҳам кераки йўқ.

Намозга руҳсат берилади, лекин намозни фақат масжидда ўқийсан, деган фармон чиқарилади. Бу ёқдан диний бошқарма ва ҳоказо тўтиқуш полопонлар ишга солиниб, бу фармонга ҳам “Мошоллоҳ, мошоллоҳ” деб иймон келтирилади.

Одамлар масжиддан узилмай қолганидан кейин, ҳар бир масжиднинг меҳробига диктато... ээ... узр, муҳтарам юртбошимизнинг тиржайиб турган сийратлари илиб қўйилади. Эҳтимол, намозхонлар бунга норози бўлиши мумкин. “Масжидда ҳаҳирнинг калласига бало борми?” дейишлари тахмин этилиши мумкин. Лекин буниям йўли бор, Анвар Турсуновга ўхшаган силлиқ имомларимиз “пирт” этиб фатво чиқаради-да, юртбошимизнинг муборак сиймоғлари меҳробда акс этиб туриши вожиблиги, ва бу юртимизда тинчлик ва огоҳликни таъминлашда бош омил экани машруъ бўлади. Лаббай? “Унақа масжидга биров оёқ босмайди” дейсизми? Сизники маъқул! Айни мударра-да! Қарабсизки, шу баҳона намозхон ҳам қолмайди.

Ёки, айтайлик, намозхонга солиқ солиш керак. Намоз ўқийсанми, бир солиқ! Тарк этсанг, яна бир солиқ. Соқол қўйсанг, бошқа солиқ. Олдирсанг, яна бошқа солиқ. Ҳижоб кийсанг, солиқ, ҳижобдан чиқсанг ҳам солиқ. Қарабсизки, мусулмоннинг уруғиям қолмайди: уттиз миллион – ҳаммаси муртад!

Юртбошимиз қанчалар муғомбир бўлмасин, барибир бизчалик бўлолмасалар керак. У киши шоҳида юрсалар, биз баргида юрамиз ахир.

Нима дедингиз? Бизники маъқулми?

**Келажагибуюк Каттаев**

*Азиз газетамиз ўқувчилари, куйида эътиборингизга ҳавола қилаётганимиз суҳбат Сурияда Башир Асад режимига қарши курашда иштирок этаётган бир ватандошимиз билан ўтказилгандир. Саволлар ЎХХ матбуот бўлими томонидан тайёрланган.*



Сурияда рум босқинчилари келгандан бошлаб, Жиҳод фарзи айн бўлган ва бу Башар диктаторлари уша рум босқинчиларининг тарбиялаб, қолдириб кетган ишчиларидир. Энди бугунги кунда Суриядан қочқин бўлиб чиқиб кетаётган киши-лара асосан аёллар, болалар, қариялар ва ногиронлардан ташкил топгандир. Ундан ташқари, жангга яроқли кишилар чиқиб кетаётган бўлса, улар ҳукуматнинг ишсиз

қурол-яроғ, озиқ-овқат, техник ёрдам бераётган давлатлар биринчи навбатда Эрон, Россия, Ливан ҳизбуллоҳларидир. Бу ҳаракат ва воқеълик узокқа бормаслигини кўрсатади. Ҳар куни давлат аскарларининг қочиб, бошқа давлатларга бошпана олиши ёки қочиб чиқиб кетиши кўпайяпти. Қолган муҳим шахслари кундан кунга ўлдирилаяпти.

### **Келажақда Сурияда қандай режим қурилиши эҳтимоли бор?**

Сурия халқи мусулмон халқдир ва уларнинг ўз динига амал қилишдан диктатор режими томонидан тўсқинликлар қилиб келинаради. Диктатор режимига қарши курашаётган кучлар ҳам мана шу халқдан ташкил топгандир. Шу боис Жайшул-хур жамоасидан бошқа жамоалар ислом дини асосида қурилган жамоадир ва табиийки

## **АСАДГА ҚАРШИ ЧИҚҚАН КУЧЛАР – ЎЗ ҲАҚЛАРИДАН МАҲРУМ ВА МАЗЛУМ ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИДИР**

**Бир йилдан ошдики, Сурияда уруш давом этаяпти. Асад режимига қарши чиққан муҳолифлар кимлар? Ва уларни Сурия халқи қанчалик қўллаб қувватлаяпти?**

Асад режимига қарши чиққан кучлар бир неча йилдан бери диний ва иқтисодий эркинлигидан маҳрум ва мазлум бўлган кишилардан ташкил топгандир. Деярли халқнинг 70% бу диктатор режимига қарши оёққа турган ҳозирги ҳолатда. Бугунги кунда ҳукуматга қарши курашаётган бир неча жамоалар бор. Улардан асосий йирик жамоалар қуйидагилар:

1. Жайшул-хур, бу жамоа ўз ичига давлатдан чиқиб қўшилган аскарлар, давлат ҳодимлари, демократлар ва мусулмонлардан ташкил топган.

2. Катоиб Аҳрор Аш-Шом, бу жамоа исломий кишилардан ташкил топган бир исломий жамоа.

3. Жабҳатун-нусра, бу ҳам исломий шахслардан ташкил топган жамоа. Бу юқоридаги жамоалар йирик жамоалар ва асосан ҳукуматга қарши фаол бўлган жамоалар.

4. Бу жамоалардан ташқари бошқа майда гуруҳлар бор, улардан, масалан, Ал-Фажр, Таҳрируш-Шом кабиладир. Бу жамоалар барчаси маҳаллий халқдан ташкил топган жамоалар. Бугунги кунда бу диктатор режимига қарши оёқланган кишиларни халқ ҳурмат қилади ва яхши кўради, қўлидан келганича қўллаб-қувватлайди.

**Доктор Ю.Қарзовий Суриядаги Асад режимига қарши урушни жиҳод деб фатво берганлар. Демак у ердаги халқ режимига қарши жиҳод қилаяпти. У ҳолда кўп минглаб қочоқ эркаклар ҳам мамлакатдан қочаётганини ва улар орасида жанг қилишга лаёқатли эркаклар борлигини қандай тушуниш керак?**

қолган ишчиларидан баъзилари ва ҳукумат тарафдорларидан ташкил топган кишилардир. Ундан ташқари, оиласини ишониб биров билан юбора олмайдиган кишилар ўз оилалари билан чиқяпти. Аммо эркак ва йигитлар ўз жойидалар.

### **Сурия муҳолифатига қайси ташқи давлатлар қандай ёрдам кўрсатаяпти?**

Сурия диктатор режимига қарши курашаётган кучларга очиқ бир ёрдам табиийки йўқдир. Узлари мавжуд имкониятлари билан ҳаракат қилишмоқда. Ҳозирда Европа, Америка, Туркия давлатлари қочқинларга ва ярадорларга ёрдам кўрсатаяпти. Шу орада Сурияни асосий қисми бўлган Ҳалеб ва Идлиб минтақаларида қаттиқ бомбардимон бўлиши оқибатида бозор ва иш ерлари тўхтаган. Қисман кичик-кичик дўкон ва озиқ-овқат сотиш ерлари ишлаб турибди. Шу учун Туркиядан қисман озиқ-овқат ёрдам шаклида кираяпти.

### **Асад режимини умри қанча қолди?**

Асад режими аллақачон ҳаракат қила олмайдиган деярли фалаж ҳолга келиб бўлган. Асосий иш ерлари ва завод-фабрикалар тўхтаган. Бир шаҳардан иккинчи шаҳарга давлат ходимлари ва аскарлари ҳаракат қилиб юра олмайди. Ҳалеб ва Идлиб минтақалари диктатор режими назоратидан деярли озод қилинган. Ҳозирда Хумс, Дейраз-зур, Дамашқ ва Лазқия минтақаларида қаҳшатғич жанглар кетмоқда. Ҳукумат кучлари бу қолган ерларда қуршов ҳолида турибди ва ердан ҳеч қандай ёрдам ва алоқа йўқ. Фақат асосан Ҳаво йўллари ёрдамида бир ердан иккинчи ерга кўчиш ва ёрдам олиш ёки келиши бўляпти ҳолос. Асад режимига бугунги кунда асосий оёқда туриб беришига имкон қилиб

бир Исломий давлат бўлсин, деб ҳаракат қилмоқдалар. Жайшул-хур келажақда демократик давлат қуришни даъво қилади. Бу даъволар фарқли бўлгани билан бирга, яна жанг ва ҳаракатларда бирга иштирок этилади. Бу вазиятни яни диктатор режимига қарши курашаётган жамоалар ўртасига, ҳоссатан Жайшулхур билан бошқа исломий жамоалар ўртасида, Туркия, Америка, Исроил каби давлатлар катта бир низо келтириб чиқаришга қаттиқ ҳаракат қилиб келяпти. Лекин буни яна келажақ ва вақт кўрсатади.

### **Муҳолиф гуруҳлар ичида МДХ давлатларидан келганлар қанча?**

МДХ давлатларидан келганларнинг сонини аниқ билиш қийин албатта, чунки жанг қўлами жуда катта минтақани қоплаган. Бир минтақадаги киши иккинчи минтақада кимлар борлигини билмайди, сабаби, ҳамма олдиндаги ҳадафга қараб олдинлаётган ҳолатда.

Агар Ўзбекистонда шунга ўхшаш ҳолат юз берса, шу каби ансорлар гуруҳи келишини кутиш мумкинми?

Ўзбекистонда, Аллоҳ насиб қилиб, бу каби вазият юзага келса, қанчалик келишини бирор нарса дейиш қийин, чунки бугун араб диёрлари етарлича аланга оляпти ва яна аланга олишда давом этади. Аммо бугун бошқа ерлардан бу диктатор режимини мазлум мусулмонларига нисбатан қилаётган зарбалари-ю, қатлиомлари четда турган мусулмонларни бефарқ қолдирмаётгани, уларнинг ёрдамга отланаётганини каби жараён Ўзбекистонда ҳам бўлиши мумкин, иншоаллоҳ.

Ва ассаламу алейкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ.



## АНГРЕН ЛИЦЕЙИ ПАХТА ТЕРИМИДА ҚАТНАШМАГАНЛАРНИ ЎҚИШДАН ҲАЙДАМОҚДА!

Ангрен академик лицей ўқувчиларини пахта ҳосилини теришда иштирок этмаганликлари учун ўқишдан ҳайдаш билан таҳдид солишмоқда.

29 октябр куни Ангрен академик лицейи директори Муҳаммаджон Эшонкулов ва унинг ўринбосари Баҳринисо Йўлчиевалар Пахта-2012 теримида иштирок этишдан бош тортган ўқувчиларнинг ота оналарини чақиришди.

Ота оналарга муаммонинг ечими учун икки вариантни таклиф этишди: Болаларининг теримида иштирок этмагани учун 300 минг сўмдан (тахминан 110 АҚШ доллари) олиб келиш ёки 1-ноябрдан ҳужжатларини лицейдан олиш. Бу воқеа пахта кампанияси бошланганидан бери давом этмоқда. Ангренда болаларни пахтага олиб чиқишидан тахминан икки ҳафта илгари, шаҳардаги барча коллежлар пахтага олиб чиқилади, қобилиятли болалар ўқиётган академик лицей ўқувчиларини эса олиб чиқишмайди, деган миш-миш тарқалганди.

### 70 минг сўмдан

Кейинчалик ўқувчиларга, уларнинг ҳар бири 70 000 сўмдан (30 доллар атрофида) беришлари кераклиги ҳақида “юкоридан” топширик бўлгани, гўёки бу бадал сифатида пахтакорларга ёрдам учун жўнатилиши, унинг эвазига пахтага чиқмаслик мумкинлигини айтишди.

“Ангрен коллежларида пахта теримидан қолишнинг ўртача нархи бу йил 300-400 минг сўм (100-140 доллар) бўлгани учун, 70 минг билан солиштирганда бу пул мўмайгина”, – дейди пул топширган ота оналарнинг бири.

Ушбу сумма, ҳатто соғлиғига кўра пахтадан озод этилувчи тиббиёт маълумотномасига эга бўлган ўқувчилардан ҳам ундирилган. 8-10 сентябр кунлари пахтага Ангрендаги барча ўқувчиларни олиб чиқишди, бироқ академик лицейга ҳақиқатан ҳам тегишмади. Бироқ озроқ вақт ўтиб, 14-15 сентябрда, 70 минг гаров пули тўлаб қўйиш-ганига қарамай лицейни ҳам пахтага олиб чиқишди. Бу пуллари ота оналарга қайтаришни ваъда қилишди, бироқ ханузгача тўлашмади. Ўқув муассаси раҳбарлари, ота оналардан ўз фарзандларини пахтага жўнатишлари билан ватанпарварлик намунасини кўрсатишни талаб қилишди.

### Тўлов – 300 мингга чикди

Болаларини далага жўнатишни истамагангалга, теримни муқобили сифатида лицей маъмуриятига 300 минг сўм топшириш таклиф этилди.

Пул тўлаш ва фарзандини пахтага жўнатишдан бош тортган ота оналарга, ўқувчини лицейдан ҳайдаш хатари кутилмоқда.

Айни пайтда лицей маъмурияти лицейга ҳужжат топшириш пайтида ота оналардан олинган тилхатдаги “фарзандларини кўнглили равишда пахтага жўнатиш” мажбуриятини писанда қилмоқда.

Бундай тилхатсиз лицейга ҳужжат қабул қилинмаган ва ота оналар уни имзолашга мажбур бўлишган.

Айрим ўқувчиларнинг ота оналари, пахта зўровонлигидан ўз фарзандларини ҳимоя қилишга уриниб, лицей директорига Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилги “Ўзбекистон республикаси томонидан ратификация қилинган ишга ёллашнинг минимал ёши ва болалар меҳнатининг энг ёмон кўринишларини бартараф қилиш ҳақидаги конвенцияни амалга ошириш чора тадбирлари” тўғрисидаги қарорни кўрсатишга уришишган”.

Бунга жавобан улар директор Эшонкуловнинг, бу ҳужжатлар лицей маъмурияти учун ҳеч қандай ҳуқуқий кучга эга эмас ва ҳеч қандай аҳамият қасб этмаслиги ҳақидаги гапини эшитишган. Айни пайтда лицей раҳбарияти Тошкент вилоят ҳокимининг қарори, Ангрен шаҳар милицияси ва прокуратурасининг болаларни пахтага сафарбарлик қилиш ҳақидаги буйруғини писанда қилган. Бир ярим ойи ичида ота оналарникига икки марта келишган ва бир неча бор лицей ўқитувчилари томонидан кўнғирок қилиниб пахта масаласини ҳал қилиш талаби қўйилган.

### Пул ёки ҳайдалиш

29 октябр куни навбатдаги “гиламга” чақирик бўлди. Тагин пул товлаш бошланди. Лицей директори ота оналардан, фарзандлари паспорти ва туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаларини олиб келиш талаб қилинди. Айни пайтда директор бунинг нимага кераклигига изоҳ бермади. Узоқ вақт давом этган “музокаралар”, ота оналар учун ҳеч бир натижа бермагач, 1 ноябрдан бошлаб улар ўз фарзандлари ҳужжатини олиб кетишларини билдиришди. Айрим ота оналар, бу зиддиятдан кейин ўқишда болаларига нисбатан муаммолар орттиридан кўрқиб, уларни бошқа ўқув даргоҳларига кўчиришга қарор қилишди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерация кенгаши ва Ўзбекистон республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирилик қўшма баёнотининг №6 моддасида айтилганки:

“Ким бўлишдан қатъий назар, жумладан уларга ёки уларнинг ота оналарига жазо қўллаш таҳдиди билан, болаларни меҳнатга мажбурлашнинг ҳар қандай шакли, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ тақиқланади ва жавобгарликка тортиладиган ҳолат ҳисобланади”.

## ЖАҲОН БАНКИ: ЎЗБЕКИСТОН БИЗНЕС ЮРИТИШ УЧУН ЭНГ НОҚУЛАЙ ДАВЛАТ

Ўзбекистон Жаҳон банки ҳамда Халқаро молия корпорацияси томонидан тайёрланган «Doing Business-2013» рейтингда Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари ичида энг охириги ўринни эгаллади. Бизнес юритишнинг соддалигини аниқлаш мақсадида тузилган мазкур рейтингда 11 кўрсаткич, жумладан, компания очишга кетадиган вақт, унинг фаолият кўрсатиши ва тугатилиши, қурилишга рухсат олиш, ташқи савдо тартиби ва солиққа тортиш эътиборга олинган.

185 давлатни қамраб олган рейтингда Ўзбекистонга 154-ўрин натижа этди. Марказий Осиёда бизнес юритишнинг осонлиги бўйича биринчиликти Қозғоғистон (49-ўрин) эгаллади. Қирғизистон 70-, Тожикистон эса 141-ўринни банд этди. Рейтингда Туркменистонга оид маълумотлар ўрин олмаган.

Собиқ Совет Иттифоқи мамлакатлари орасида Грузиянинг (9-ўрин) етакчилигини кўриш мумкин, ундан кейин Эстония (21), Латвия (25) ва Литва (27) бор. Арманистон 32-, Белоруссия 58-, Озарбойжон 67-, Молдавия 83-, Россия 112-, Украина 137-ўринни эгаллади.

Бизнес юритиш учун қулай шaroитлар яратилгани учун Сингапур дунё бўйича биринчи деб топилди. Рейтингнинг илк бешлигида, шунингдек, Гонконг (2), Янги Зеландия (3), АҚШ (4) ва Дания (5) бор. Энг қуйи поғоналар эса Конго Демократик Республикаси (181), Эритрея (182), Конго Республикаси (183), Чад (184) ва Марказий Африка Республикаси (185) раво кўрилди.

## ПАХТА МАВСУМИНИНГ НАВБАТДАГИ ҚУРБОНИ

Сурхондарё вилояти Шерабод туманига қарашли, «Занг» каналдан 18-ёшдаги фуқаро Жамшид Чориевнинг ўлик жасади топилди. Маҳаллий фуқароларнинг сўзига қараганда, «Жамшид отасининг жойига пахта териш учун келган.

У чўмилишни мақсад қилиб, «Занг» каналига ўзини сувга улоқтирган эди, тез оқар сув уни қоядан-қояга урганди у беҳуш бўлиб қолганидан сўнг, сув ўз оқимида қараб оқиздириб кетди.

Натижада «Занг» каналининг бир чеккасидан унинг ўлик жасадини топдик... Бу ҳолат юзасидан ҳозирги кунда Шерабод тумани ИИБда суриштирув ишлари олиб борилмоқда» дейди кекса отахон Чори ака.

## МЕНИ ЛОЛ ҚОЛДИРГАН ҲАҚИҚАТЛАРДАН БАЪЗИЛАРИ



Намоз Нормўмин

“Бирқавмнинг шахслари ўзларидаги (аҳволни) ўзгартирмагунча, Аллоҳ бу қавмдаги (аҳволни) ўзгартирмайди...” (Раъд сураси 11)

Изоҳ: Аслида Куръони Каримнинг бутун оятлари мўъжиза ва инсонни лол қолдирадиган кучдадир. Зеро:

“Шубҳасиз мўминлар Аллоҳ зикр қилинганда қалблари титрайдиган, иймонлари ортадиган ва Робларига таваккул қиладиган зотлардир” (Анфол сураси 2)

“Огоҳ бўлингизким, қалблар фақат Аллоҳни зикр қилиш билан ором топура” (Раъд сураси 28)

“Сизга амр қилингани каби тўғри (ҳақиқий мўмин) бўлинг...” (Худ сураси 112)

“Аллоҳга имон келтирдим деб айт, сўнгра тўғри (ҳақиқий мўмин) бўл...” (Ҳадиси шариф)

Олма мазлумнинг оҳини,  
Чикар оҳиста оҳиста... (Турк мақоли)  
Кенга кенг дунё,  
Торга тор дунё... (Ўзбек мақоли)  
Halk nezdinde muteber bir nesne yok devlet gibi:

Olmaya devlet cihanda bir nefes sihhat gibi.  
Халқ наздида мўътабар бир нарса йўқ давлат каби.  
Топилмас жаҳонда давлат бир нафас сихат каби...

(Қонуний Султон Сулаймон)  
Йиғласа онам йиғлар,  
Қолгани ёлғон йиғлар (Турк қўшиғидан)  
İmandır o cevher ki, ilâhî ne büyüktür,  
İmansız olan paslı yürek sînede yüküdür”..

Имон о жавҳарки, илоҳи не буюқдир,  
Имонсиз, занглаган юрак сийнада юқдир.

(Турк шоири Муҳаммад Оқиф Эрсой)  
Чиригандан кўра дарахтда,  
Шамолларда ёнган яхшироқ. (Сергей Есенин)

Замон сенга боқмаса,  
Сен ҳам боқма замонга. (Муҳаммад Солиҳ)

Дилраболардин ёмонлик келди маҳзун кўнглима,  
Келмади жонимга ҳеч оромижондин яхшилик. (Бобур)

Меҳр кўп кўргаздим аммо меҳрибоне топмадим,  
Жон фидо қилдим, бале, оромижони топмадим. (Навоий)  
Муслмонлар билан кимнинг дини тўғри, дея баҳсга кирманглар.  
Ҳар бир ақлли киши биладики,  
Муҳаммаднинг (сав)нинг дини тўғри диндир.  
(Лев Толстой)

Отам ўлди ёнмадим, онам ўлди ёнмадим,  
Болам ўлди ичим ёнмоқда... (Бир онанинг фарёидан)

“Адолат ва одил суд бўлмаган шароитда, давлат қароқчилар тўдасига айланади”.

(Августин Аврелий).  
Муҳаммад (сав) буюқ инсон ва пайгамбардир. Зеро унинг исми бутун дунёда ҳар куни, ҳар соат, ҳар дақиқа, ҳар сонияда узлуксиз равишда осмонга (азонда) ўқилади. (Бир имомнинг хутбасидан)

Ўзбекистон президенти Ислом Каримовнинг қизи Гулнора Каримовага тегишли бўлган Москва марказидаги \$10 млн.дан қиммат квартира хатга тушган. Бу ҳодиса Ўзбекистон ҳокимияти МТСнинг маҳаллий бизнесини бутунлай борбод этганидан сўнг юз берган. Ўзбекистон президенти Ислом Каримовнинг

қизи Гулнора Каримовага тегишли бўлган Москва марказидаги квартира хатга тушди. Бу ҳақда CNews сайтига Давлат Думасидаги манба хабар берган. “Камелот” комплексида жойлашган уч қаватли квартира Г.Каримова тарафидан 2003 йили нархи \$1,5-2 млн бўлган даврда сотиб олинган.

Ҳозир “Камелот”даги кўчмас мулкнинг бир кв.метри қиймати 750 минг рублдан бошланади. Г.Каримова квартирасининг майдони, “Независимая газета” нашрига кўра, 420 кв.м. Демак, бугун бу объект 312 млн. рублдан ортиққа (\$10,1 млн.га) нархланади.

Шу йилнинг ёзида Cnews нашри Гулнора Каримованинг Россия ҳудудидаги активлари, хусусан, унинг Москвадаги ҳашаматли квартираси хатга тушиши мумкинлигини хабар қилган эди. Бу воқеа Каримова ҳамда яқинда Ўзбекистондаги бизнесдан бутунлай маҳрум бўлган МТС телекоммуникация оператори ўртасидаги жанжал билан боғлиқдир.

Ўзбекистонда россиялик сармоядорларнинг ҳақлари поймол этилиши юзасидан Россия ИИВ Тергов қўмитаси жинорий иш қўзғатган. Жанжал МТСнинг маҳаллий

шўъбаси “Уздунробита” компанияси бош директори Бекзод Аҳмедовнинг Ўзбекистондан қочишдан сўнг бошланган. Бекзод Аҳмедов МТСга ишларкан, айна пайтда Г.Каримованинг ишончли вакили ҳам бўлган. Хусусан, Wikileaks сайтида кел-

Бироқ бу пулларнинг келиб чиқишидан шубҳаланган Швейцариянинг Lombard Odier банки, Takilant учун ҳисоб очишни рад қилган. Шундан кейин банк расмийларига оффшор соҳиби дея Бекзод Аҳмедов шахси кўрсатилган.

### МТС ЖАНЖАЛИДАН СЎНГ Г.КАРИМОВА МОСКВА МАРКАЗИДАГИ КВАРТИРАСИДАН МАҲРУМ БЎЛДИ

Шундай қилиб, Каримова ҳисобларига йўл топган



тирилган америкалик дипломатларнинг ўзаро ёзишмаларида айтилишича, Б.Аҳмедов 2007 йили Г.Каримовани Ўзбекистондаги учинчи энг йирик мобил алоқа оператори бўлган Coscom ширкатини скандинавиялик TeliaSonera фирмасига сотишга кўндирган. Ҳокимият эса уни МТСни назорат этувчи хиссасдорга – АФК “Система”га сотишни мўлжаллаган эди. Ўзбек бозорига йўл очгани эвазига миннатдор TeliaSonera ширкати Г.Каримованинг ишончли вакили Гаяне Авакян исмли модельер номига қайд этилган Takilant оффшор фирмасига жами тақрибан \$250 млн ўтказиб берган.

Б.Аҳмедов мамлакатдан қочиб кетган. Ўзбекистон прокуратураси уни Интерпол орқали қидирувга берган. Бироқ ўзбек расмийлари унинг Россияда яширинишига МТС ёрдам берганини иддао қилиб келади. Бундан ташқари, Россиянинг бу ширкатига қарши ишловчи бир омил шуки, Takilant ишини юритаётган Lombard Odier вице-президенти Александр Кочубей бундан бир муддат олдин АФК «Система»нинг ҳамкори бўлган «Ренессанс – Управление активами» компаниясини бошқариб келгандир.

Оқибатда МТСнинг ўзбек шўъбаси бутунлай барбод этилди: компания мол-мулкidan ажради, активлари мусодара этилди, бир қатор топ-менежери бир неча ойни турмада ўтказди. Аммо, ўтган ҳафта «РИА Новости» агентлиги, МТС фаолиятини Ўзбекистонда яна тиклаш борасида МТС ва Ўзбекистон ҳукумат доиралари ўртасида музокаралар олиб борилаётгани ҳақида хабар тарқатди. У ҳолда Г.Каримова квартирасининг хатга тушиши музокараларда Россия тарафи қўлидаги козирлардан бирига айланиши мумкин.

cnews.ru/ сайтидан  
ЎХХ таҳририяти таржимаси

Маълумки, бугунги кунимизни пулсиз тасаввур қилолмаймиз. Доллар, евро, рубль, динар, риёл, сўм ёки тенге каби нима деб номланишидан қатъи назар дунёнинг барча мамлакатларида ўз пул бирлиги мавжуддир. Ва уларнинг фуқаролари ўша пулларни кундалик ҳаётида истеъмол қиладилар. Барча инсон дунёнинг қаерида яшамасин пул топиш учун ҳаракат қилади. Шу туфайли ҳаётда фаровон яшай оламан деб ўйлайди. Ва минглаб турли туман жиноятлар ҳам шу пул туфайли содир бўлади. Пулга нисбатан мана шундай кўзқараш мавжуд даврда бу ҳолат табиий албатта.



халқаро валюта ХВ АҚШ доллари билан ҳисоб китоб қилишади. Ўз навбатида бу валюта ҳам аслида қуруқ қоғоздан иборатдир. Буни тушуниш учун ХВФ тарихига назар солиш керак.

### Халқаро валюта фонди ХВФ

1944 йил июл ойида Иккинчи Жаҳон уруши тугаш арафасида АҚШда ХВФ Халқаро валюта фондини ташкил қилиш учун 44 та давлатдан вакиллар тўпланишиди. Бу ерда муҳоақама қилинган мавзу давлатлар аро тўловларни осонлаштириш учун ҳамма учун бирдек қабул қилинадиган битта пул бирлигини қабул қилиш эди.

## ПУЛНИНГ ҚАДРИ ҲАҚИДА БАЪЗИ ФИКРЛАР

### Хўш, пул нима ўзи?!

Пул дегани бугунги кунда оддий қоғоздан иборат, у ё бу давлат Банки томонидан қиймати тасдиқланган тўлов воситасидир. Моҳиятан у оддий қоғоздир. Ва ўз ҳолича ҳеч қандай қийматга эга эмас. Уни тўлов воситаси сифатида қабул қилиниши, унга қадр беради.

Қоғоз пулларга қиймат бериш учун Банклар уни баробарида олтин билан таъминлаши шарт бўлган. Бу пулни кадрли эканини одамларга синдириш учун жорий қилинади. Лекин, давлат Банклари ҳеч қачон истаган одамларга қоғоз пулларни йиғиб олиб ўрнига олтин бераолмайди. Демак одамлардаги мана шу тушунча йўқ бўлар экан, пулларни қоғоз эканлиги ва ҳеч нарсага арзимаслиги намён бўлади. Бунга узоқ ва яқин тарихда кўплаб мисоллар бор. Тушунча эса яна шу одамлар томонидан пайдо қилинади. Шунингдек, вақт бу тушунчаларни вақти соати келганда йўқ қилади. Бугунги кунда вазият талаби билан халқаро пуллар пайдо бўлди. Бунда ҳам юқорида айтилган сунъий тушунчалар асосий рол ўйнаган.

### Халқаро валюта ҳақида

Давлатлараро савдо сотиқларда тўловларни амалга ошириш жараёнида баъзи пул воситалари халқаро валюта сифатида қабул қилинган ва бу билан халқаро валюта атамасини келиб чиқишига сабаб бўлган.

Бугунги кунда АҚШ доллари ва евро мана шундай халқаро валюта ҳисобланади. Қоғоз пулларни барчаси уни чиқарган Банки мулкчи ҳисобланади ва ўша Банк тарафидан уни қиймати ва тўлов қобиляти ушлаб турилади. Ўз навбатида халқаро молиявий муомалаларда ўша Банклар бир бирларига тўловни халқаро валюта асосида амалга оширадилар.

Пулни қуруқ қоғозлигини яхши тушунадиган давлат раҳбарлари бу валюта ўз навбатида олтин билан таъминланиши шарт қилиб қўйишган. Шунингдек, ҳар бир мамлакатдаги ички пул бирлиги ҳам ўз қиймати баробарида олтин билан таъминланган бўлиши шарт. Қоғоз пулларни қийматини олтин белгилаш шартли шу. Олтин эса асрлардан бери ҳалигача ўз қийматини йўқотмай қалаётган металлдир.

Мана шу олтин билан таъминланган деган тушунча ҳисобига қоғоз пулларни қиймати сақланиб турилади.

### Пул тарихига бир назар

Бугунги кундаги қоғоз пуллар ўрнига тарихда олтин ва қумуш пуллар ишлатилган.

Пул пайдо бўлишидан аввал одамлар у ё бу нарсани ўзаро айирбошлаш ҳисобига муомала қилишган.

Чорва ҳайвонлари ва уларни териси ва жуни, бугдой ва арпа, шунингдек турли хил мевалар ҳам товар айирбошлаш воситаси бўлган.

Шунингдек, садафни, ва денгизлар қаъридан чиқариб олинган дур марваридлар ҳам пул вазифасини ўтаган.

Кейинчалик темир парчаларидан пул сифатида фойдаланишган. Ва олтин ёки қумушдан қуйма пуллар ишлаб чиқаришган. Шунингдек, қадимдан у ё бу подшоҳлар чарм терилардан махсус кесиб муҳрлаб, ўз мамлақати ҳудудида пул қилдириб истеъмолга чиқарганлиги маълумдир.

Қуръони Каримнинг Каҳф сурасида Асҳобу қаҳфнинг қиссасида бир ҳикоя келтирилади. Дақёнус деган қадимги даврда яшаган зolim подшоҳдан қочиб ғорга беркинган йигитлар кўп йиллик уйқудан уйғонгача ўзаро гаплашган гаплари хабари берилади;

Ва шундай қилиб, уларни ўзаро сўрашишлари учун уйғотдик. Улардан бири: «Қанча қолдинглар?» деди. Улар: «Бир кун ёки бир куннинг баъзисича қолдик», дейишди. «Қанча қолганингизни Роббингиз яхши билгувчидир, шаҳарга бирингизни ушбу пулингиз ила юборинг, назар солиб, яхши таомни танлаб, ундан ризқ келтирсин ва диққатли бўлсин, сизни бировга сездириб қўймасин». Каҳф сураси 19 оят.

Мазкур оятда ўша йигитларни ҳам ёнида қоғоз пуллари бўлганлиги хабари берилади.

Лекин инсоният тараққий этган сари пул воситаси сифатида ишлатишга энг қулай ашё олтин эканига ишонч ҳосил қилади. Бу метал зангламаслиги ва узоқ йиллар бузилмай сақланиш қобиляти билан пул қилинишга энг лойиқ маъдан ҳисобланган.

Ва хали шу кунгача уни ўрнини боса оладиган бошқа метал топилмади. (Қисман платина ҳам истеъмолга кирган эсада, лекин, хали олтин каби оммалашмаган)

Ва бугунги қоғоз пулларни қийматини белгиловчи сифатида муқобаласида мана шу олтин туради. Халқаро муносабатларда ҳам Банклар ўзаро олтин ўрнига

АҚШ бу ерда ўз пули долларни халқаро тўлов воситаси сифатида таклиф этди.

27 декабр 1945 йил 29 та давлат ушбу халқаро келишувга имзо чекди. Бирламчи дастмоysi 7,6 миллиард долларни ташкил этган бу умум маблағни учдан бир қисмини АҚШ тўлади. Ташкилотнинг асосий акционери 5та давлатдир: АҚШ, Англия, Германия, Франция, Япония.

Қолган аъзо мамлакатлар ҳам халқаро пулни АҚШ долларида бўлишига рози бўлишди. Ва доллар билан ўз ҳиссаларини тўлашди. Натижада доллар халқаро тўлов воситаси мақомини олди. Секин аста ривожланиб кетаётган Фондга ҳозирга келиб 184 давлат аъзо бўлган. Ва халқаро алоқаларда томонлар бир бирига пул тўловларини ҳалигача АҚШ доллари билан тўлашади.

Ҳозирги кунда халқаро валюта сифатида қабул қилинган пуллар саноклидир. Асосан АҚШ доллари халқаро валюта сифатида дунё бўйлаб тан олинган пул ҳисобланади. АҚШ Банкирлари долларни ишлаб чиқарар эканлар уни қийматини олтин билан таъминлашлари шарт эди. Лекин улар молия конунлари талаб қиладиган ана шу муқобил қийматни таъминламасдан туриб кўп миллионлаб долларлар ишлаб чиқаришди. Ва бу пуллар ХВФ орқали дунёнинг кўпгина мамлакатларига тарқалиб кетди. Бугунги кунда дунёнинг юзлаб мамлақатида миллионлаб АҚШ долларлари тўпланиб қолган.

АҚШ ҳукумати пулларни олиб, уни эвазига олтин беришга қодир эмас. Лекин долларни халқаро тўлов воситаси сифатида дунё мамлақатлари бўйлаб айланиб юриши АҚШ учун мислсиз қатта манфаатлар манбаидир.

Лекин, доллар ХВФ нинг асосий пул бирлиги бўлгани учун дунё мамлақатлари ҳалигача у воситасида ўзаро иқтисодий алоқалар қилишади. Бу ерда содда қилиб айтганда АҚШ ўз долларига четдан турли хил нарсалар харид қилаолади. Сотувчи давлатларга молни қийматида пачка пачка (моҳиятан, “Қуруқ қоғоз”) доллар берилди. Қандай ажабланирди туюлмасин дунёдаги пул воситаси моҳияти мана шулардан иборатдир. Пулда бузилмас мутлақ қиймат йўқ ва бўлмайди ҳам.

Буни тушунишлик эса, инсонга дунё ҳаётини ва ундаги барча нарсаларни ўткинчи ва беҳуда нарсалар эканини, ҳақиқий кадрият Илоҳий охират кадриятлари эканини яна бир марта англади охири.



Фаластинда 2007 йили ўтказилган сайловлар ҲАМАС ташкилоти вакиллари билан тугалланган, европашода Махмуд Аббос раҳбарлигидаги ФАТҲ етакчилигидан ажралиб чиққан Ғазо секторига Бош вазир этиб сайланган Исмоил Ҳанийя, 450 000 сонли аҳолини бошқариш ва уларнинг эҳтиёжларини қондириш режаларини амалга ошираётган исломий ҳукуматнинг юзи ўларок, доимо халқнинг ёнидадир.

## ВАТАНДОШНИНГ ОЁҒИНИ ЎПГАН БОШ ВАЗИР

Сионист Исроил армияси 2007 йилдан буён Ғазо Секторини бўмбабўрон қилиб келади ва унинг қонли натижаси ўларок кўплаб фаластинликлар ё қурбон бўлишади ёки оғир яраланишади. Жумладан, болалар, қариялар, хотин—қизлар ва ёшлар орасида кўли ёки оёғидан ажралганларнинг сони бениҳоя кўп.

Яқин кунларда Исроил Ҳаво Қувватлари Ғазо секторининг бош шаҳри бўлмиш Ғазани яна бир бор бўмбарон қилди ва натижада талайгина фаластинликлар ҳаётдан кўзларини юмишган бўлса, анчагинаси ярадор бўлди. Ярадорларни тасалли бўлсин дея давлат арбоблари ҳам зиёрат қилиб туришади.

Бугун Оммавий Аҳборот Воситаларида бизлар учун хайратомуз кўринган бўлсада, аслида, Аллоҳнинг ризоси ва жаннатини мақсад қилган раҳбарлар учун оддий иш бўлган манзарани акс эттирган сурат ёйинланди. Унда Бош вазир Исмоил Ҳанийянинг бўмбабўрон натижасида икки оёғидан ажралган ватандошининг оёқларини ўпаётган они акс эттирилган.

Бу суратга назар ташлар эканман, кўз ўнгимдан она юртим ўтди.

У ердаги меҳнатсевар аммо меҳнатига яраша ҳақ ола олмаётган, мактаблар ўрнига далаларни маскан тўтирилган, оила тебратиш учун ўз юридан олисларда ёвғон шўрва ичиб тирикчилик қилаётган халқимиз — забардаст оталар, муштипар оналар, навқирон ўспиринлар ва эпчил кизларнинг ҳам бир давлати, давлатининг ҳукумати ва ҳукуматининг Бош вазир борлиги ёдимга тушди ва шу Бош вазирни Исмоил Ҳанийяга қиёсламоқчи бўлдим.

Бирок... қиёслай олмадим.

Чуки Исмоил Ҳанийядек бўлиш учун халқи йўлида курашиш ва халқининг манфаатларини кўзлаб сиёсат юргизиш керак.



Ҳолбуки, халқимнинг Бош вазир хануз бу йўлнинг бошига келмаган. Шундай экан, халқи учун жонни куйдириш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ҳаёлига ҳам келмайди.

Шундай бўлсада, оддий мусулмон ўларок Аллоҳимдан катта эҳтиром ва иззатга лойиқ бўлган мусулмон умматининг бир парчаси бўлмиш халқим учун Исмоил Ҳанийядан ҳам хушёр ва жонбоз раҳбарни тиладим.

Аллоҳдан умид қилган ноумид қолмас...

[facebook.com/hikmat.nuri](https://facebook.com/hikmat.nuri)



АҚШдаги болалар меҳнатига қарши курашувчи “RSN -Responsible Sourcing Network” ташкилоти ўзбек пахтасини ишлатишдан воз кечган ширкатлар сони юздан ошганини билдирди.

RSN вакилларига кўра, Америкадаги “JC Penny”, “American Eagle”, “Fruit of the Loom” каби кийим-кечак ширкатлари ҳамда Испаниянинг Zara бренди, миллионлаб болаларнинг мажбурий меҳнатини эксплуатация қилиш эвазига етиштирилган ўзбек пахтани ишлатишдан воз кечган сўнгги ширкатлардир.

- Ҳозир кўпгина кийим-кечак ширкатлари ўз махсулотларида мажбурий болалар меҳнати, қуллик эвазига етиштирилган пахта бўлишини хошлашмаяпти. Айнан шунинг учун ҳозирга қадар юздан ортқ ширкат Ўзбекистонда болалар меҳнатига қарши акциямизга қўшилди, — деди Калифорниядаги RSN ташкилоти раҳбари Патрисия Юревитз Озодлик билан суҳбатда

Ҳозирда ўзбек пахтадан воз кечган гуруҳлар рўйхатида 108 ширкат бўлиб, улар орасида машҳур H&M, Gap, Walmart, ва шунингдек Gucci, Yves Saint Laurent каби олий брендлар ҳам бор.

## ЎЗБЕК ПАХТАСИДАН ВОЗ КЕЧГАН ШИРКАТЛАР Сони ЮЗДАН ОШДИ

Шунингдек, АҚШдаги Кийим ва пойафзал ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси AAFA (American Apparel and Footwear Association) ҳамда шу соҳани тамсил этувчи ширкатларнинг 75% дан кўпи ширкатлар ҳам бойкотга қўшилди.

- Миллионлаб болалар ва катталарни мажбурлаш эвазига етиштирилган ўзбек пахтадан воз кечиш акциясига ҳозирда Швециянинг йирик IKEA ширкатининг ҳам қўшилишини кутаямиз, — дейди RSN раҳбари Патрисия Юревитз.

Бу йил Ўзбекистонда мактаб ўқувчиларини далага олиб чиққанлар жазоланиши эълон қилинган эса-да, айрим вилоятларда 5 ва 9-синф орасидаги мактаб ўқувчилари далага олиб чиқилгани кузатилди.

Шунингдек, давлат бюджетидан молияланадиган идора-ташкilotлар, тиббиёт муассасалари ходимлари, доктор ва ҳамширалар, ўқитувчилар, аскарлар, масжид имомлари, вазирлик ва банк ходимлари пахта теришга мажбурланди.

Вашингтондаги Cotton Campaign ташкилоти ҳисоб-китобларига кўра, бу йил Ўзбекистонда давлат ишчиларининг 16 фоизи пахта теримида жалб этилган.

Бу йилги пахта мавсумида Ўзбекистоннинг бир қанча вилоятларида бўлиб кайтган Cotton Campaign фаоли Мэттью Фишер-Дали далаларда болалар пахта тераётганини кўрганини айтган эди.

Лекин аввалги йилларгидан фарқли бу йил Ўзбекистон ҳукумати балоғатга етмаганларни пахтага олиб чиқмаслик ҳақида фармон чиқаргани сабаб мактаб ўқувчиларининг ёппасига пахтага сафарбар этилиши кузатилмади ва мактаблар ёпилмади.

RSN ташкилоти раҳбари Патрисия Юревитзнинг таъкидлашича, бу халқаро майдондаги бойкот акциясининг самарасидир.

- Лекин, бу Ўзбекистонда мажбурий меҳнат йўқ бўлди, дегани эмас. Болалар бу йил аввалги йилларга қараганда пахтага камроқ чиқарилгандир, мактаблар ёпилмагандир. Лекин ўқитувчилар, касалхона ходимлари, шунингдек 15-18 ёш оралиғидаги ўспиринлар пахта теришга мажбурланди. Лекин биз бу йил болалар қанчалик кўп ёда оз чиқарилганини ҳам билмаймиз. Сабаби халқаро меҳнат ташкилоти кузатувчилари Ўзбекистонга қўйилмаяпти, — дейди RSN ташкилоти раҳбари Патрисия Юревитз.

“RSN -Responsible Sourcing Network” ноҳукумат ташкилоти ҳамда болалар меҳнатига қарши курашувчи бошқа гуруҳлар жаҳонда ўзбек пахтага қарши қаратилган кампанияни, токи Халқаро меҳнат ташкилоти (ILO), мамлакатда болалар ва катталарнинг пахта далаларидаги қуллигига барҳам берилганини тасдиқламагунча давом эттиришларини айтишмоқда.

## “СЭНДИ” ТЎФОНИГА МУСУЛМОНЛАРНИНГ МУНОСАБАТИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

**Савол.** Ассалому алайкум. Тўфонлар АҚШнинг шаркий қирғоқларини супуриб ўтаркан, бундай табиий офатларга ёки ундан зарар кўрганларга қандай муносабатда бўлиш ҳақида Ислом манбаларида қандай кўрсатмалар берилган? Аллоҳ яхшилиқ билан мукофотласин. (Муслима)

**Жавоб.** Др. Салоҳ ас-Савий (Шариат Академияси президенти ва Америкадаги Муслмон Ҳуқуқшунослар Ассамблеяси Бош Котиби):  
Ва алайкум ассалом.

### Бисмиллаҳир-роҳманир-роҳим.

Алҳамдулиллаҳ, вас-солату вас-саламу ала расулиллаҳ.

Муслима синглим, сизнинг бу саволингиз ва АҚШда машаққат чекаётган инсонларни ўйлаётганингиз учун ташаккур.

Дарҳақиқат, Ислом дини муслмонларни машаққат ва чорасизликдаги инсонларга, уларнинг ақидаси, ирки ва ҳ.к.лардан қатъи назар, ёрдам қўлини чўзишга чакиради. Тўфон каби табиий офатлар Аллоҳ таолонинг оятларидан, токи инсонлар бундай ва дунё-ю охираддаги яна-да қатгарок офат ва азоблардан халос бўлмоғи учун Аллоҳ таолога қайтсинлар учундир.

Албатта, шамол Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг Рухидандир, бу Рух Аллоҳ тарафидан ё раҳмат, ё азобни келтириши мумкин. Яъни, буни билган муслмонлар, шамолдан норози бўлиб, уни лаънатлаши манъ этилгандир. Аксинча, улар Аллоҳдан шамолдаги хайрни сўраши ва шамолдаги шаррдан Аллоҳга сиғинмоғи лозимдир. Зеро, шамол бошлангани пайтларда Пайғамбар с.а.в. дуо қилардилар: “Аллоҳим! Албатта, мен Сендан унинг яхшилигини, ундаги нарсанинг яхшилигини ва у юборилган нарсанинг яхшилигини сўрайман. Ва Сендан унинг ёмонлигидан, ундаги нарсанинг ёмонлигидан ва у юборил-

ган нарсанинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман”, дердилар.

Шамол ё хайр ё шарр келтириши мумкинлиги ҳақида Ибн Аббос р.а. шундай деганлар:

Аллоҳ таолонинг китобидаги оятлар шундай маънолар мавжуд:

“... *Биз уларнинг устига ... бир даҳшатли бўронни юбордик...*”  
(Қамар:19-20).

“... *Биз уларнинг устига туғмас (яъни ҳеч қандай фойда етказмайдиган) бўронни юборган эдик*”. (Зориёт:41)  
“*Биз шамолларни (булутларга) ҳомиладор бўлган ҳолларида юбордик, осмондан сув (ёмғир) ёғдириб, сизларни у билан сугордик. Сизлар уни тўплаб олгувчи эмассиз (балки Биз дарё ва қўллар яратиб, у сувни сизлар учун тўплаб берурмиз)*”. (Ҳижр:22)

“*(Аллоҳнинг қудрати илоҳийсига далолат қиладиган) оятларидан (бири) (ёмғир ҳақида) хушхабар элтгучи бўлган шамолларни юборишидир...*”  
(Рум:46)

Оиша онамиз р.а. ривоят қиладилар: «Қачонки, осмон авзои ўзгариб қолса, у зотнинг (Пайғамбар с.а.в.нинг) ранглари ўзгариб, кириб-чиқиб, олдинга орқага бориб-келиб қолар эдилар. Бас, ёмғир ёғишни бошлаганда эса, очилиб кетар эдилар. Мен буни у зотнинг юзларидан билиб, савол қилдим.

«*Эҳтимолки, эй, Оиша, худди «Од қавми (убулт)ни ориз бўлган ҳолида водийлари томон келаётганини кўрганларида: «Мана бу ориз бизга ёмғир ёғдирувчидир», дедилар» каби бўлиши мумкин», дедилар*».

Бошқа тарафдан, бу кавний ҳодисанинг бугунги илм-фандаги баёни унинг диний баёни рад этмайди, аксинча, диний баён илмий баённи яна-да теран ва аниқроқ англашга ёрдам беради. Яъни, муслмон бу оятларга бепарво бўлмаслиги ва улардаги огоҳлантирувчи маъноларга эътиборсиз қолмаслиги лозим бўлади. Шу ўринда, Аллоҳ



таолонинг осмонлар ва ердаги оят-аломатларни кўриб, улардан ибрат олмаган бандалар ҳақидаги ушбу оятини келтириш мумкин:

“*Осмонлар ва ерда (Аллоҳнинг борлиги ва бирлигига далолат қилгучи) қанчадан-қанча оят-аломатлар бордир. (Лекин) улар бу оятлардан юз ўзгирган ҳолларида ўтиб кетаверадилар*”  
(Юсуф:105)

Бундай тўфонлардан зарарланган кишиларга келса, улар ҳам муслмон, ҳамда ғайримусулмон кишилардир. Муслмонлар Исломда аниқ-тиниқ белгиланган ўз ҳақ ва имтиёзларидан фойдаланишга ҳақлиқлар. Ғайримусулмонларнинг ҳам Ислом дини тарафидан белгиланган (масалан, қўшничилик ва хавфсизлик, улар билан муомалада адолат каби) ҳақлари бўлиб, уларни адо этмоқ муслмонлар зиммасидадир. Айни пайтда, уларнинг қайғу ва дардларини енгиллатиш ва қалбларини Исломга улфат қилиш учун ҳам бирор восита бўлади. Зеро Аллоҳ таоло айтадики:

“*Аллоҳ сизларни динларингиз тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз диёрларингиздан ҳайдаб чиқармаган кимсалардан — уларга яхшилик қилишларингиздан ва уларга адолатли бўлишларингиздан қайтармас. Албатта Аллоҳ адолат қилгучиларни сева*”.

(Мумтаҳана:8)

Яъни, муслмон жамоа бу офатдан зарар кўрган кишиларга ҳар қандай турда бўлсин, ёрдам етказишни ўзининг диний вазифаси ўлароқ кўрмоғи лозим. Валлоҳу аълам.

uzbekislam.com

## РОССИЯДА 12 ЙИЛДАН БЕРИ ҚУЛЛИКДА ИШЛАТИЛГАН 15 АЁЛ ТОПИЛДИ

Йиллар мобайнида қулликда ишлатилган 15 аёл ва болалар топилди. Бу ҳолат қулликдаги аёллардан бирининг шикоят ортидан фош бўлган.

Россиядаги ҳодиса, қуллик шароитида ишлатиб келинган Марказий Осиёлик аёлларнинг россиялик инсон ҳақлари ҳимоячиларига мурожаат қилиши билан юзага чиқди.

Рус фаолларининг аралашуви билан уюштирилган махсус амалиётда, бир дўконда қул ўлароқ ишлатиб келинган 13 аёл ва ёш бола аниқланган. Аёллар Қозоғистон, Ўзбекистон ва Тожикистон фуқароси бўлгани, уларнинг йиллар давомида қалтаклангани, қийноққа солингани ва зўрлангани ошкор бўлди.

Дўкондан чиқишлари манъ этилган ва фақат ахлатга ташланган озуқалар билан озиқланган аёлларнинг баъзилари, 12 йил мобайнида қуллик ҳаётида яшаб келганини ҳикоя қилиб берганлар. Аёллар дўкон эгасининг маҳаллий полиция билан яқин алоқаси бўлгани, шу сабабли ҳеч кимга шикоят этолмагани ҳам маълум қилганлар.

Бошқа бир дўкон шўъбасининг ертўла қаватида 10 йил мобайнида қулликда ишлатилиб, қийноқларга солинган ўзбек ва тожик миллатига мансуб яна икки аёл топилди. Аёллардан бирининг онаси билан учрашуви, ҳаяжонли ва таъсирли онларни яратди. Ўғирланган болаларнинг ҳам қул ўлароқ дўкон шўъбаларида ишлатилгани, ҳалигача яна 4 бола-



нинг қидирувда экани айтилмоқда.

Россиялик фаоллар дўконнинг бошқа шўъбаларида ҳам камида 20 қулнинг ишлатилганини тахмин этмоқдалар. Рус мутасаддилари бу ҳақда тергов ишларини бошлаган.

Рус фаолларига кўра, Россияда 1 миллионга яқин хорижлик инсон қул ўлароқ ишлатилади.

УХХ хабар маркази



**Ўзбекистон Халқ Ҳаракати сайтига Нодира Аминова номидан имзоланган бир мактуб келиб тушди. Мактуб ЎХХ фаоли, журналист Тўлқин Қораевга мурожаатдан иборат эди. Биз мазкур мурожаатни шахсан Тўлқин акага йўллаб, унга ўз муносабатини билдиришни илтимос қилдик. Қўйида Нодира Аминованинг мурожаати ва унга Тўлқин Қораевнинг жавобини тўлиқ ҳолда келтирамиз. ЎХХ тахририяти**

Нодира Аминова мактуби (имло сақланган ҳолда келтирилмоқда) Ассалому алейкум, хурматли Ўзбекистон Халқ Ҳаракати веб-саҳифа тахририяти!

Веб-саҳифадаги мақолаларда шахсий маълумотлар чоп этилганлиги боис, хавфли булса-да, тушунишингизга умид килиб, узим сизга мурожаат қилишга қарор қилдим. Шахсан журналист – Тулки Қораевга куйидагиларни баён этмоқчиман. Тушунишимча, халқаро журналистика қонунига асосан, жиноятда шубҳаланаётган шахслар номи оммага эълон қилинмайди. Худди мана шу қоида Швеция матбуоти томонидан қаттиқ ҳурмат қилинади ва унга амал қилинилади.

Менинг Швецияга қелишимдан мақсадим ҳамма Ўзбек ёшлари каби орзу қилинган чет эт таълимини олиш ва ёруғ юз билан ватанга қайтиш бўлган. Худди мана ниятимдан хали ҳам қайтганим йўқ. Чунки бизни уйда кавми-кариндошлар сабрсизлик билан кутиб туришибди. Асли ҳам ҳаётда бир нарсага эришишим кийин бўлган. Бутун ҳаётимни хикоя қилиб ёзсам уни охирига етказиб уқишга сабрингиз чидамаса керак. Омадсизлигим ва ким нима сура-са ёр-даминни аямаганим туфайли мана шу каби ҳолатга тушиб утирибман.

Аслида воқеани менинг қузим билан қуришга ҳаракат қилсангиз мени яхши тушунган булардингиз. Сиз мен биринчи бўлиб узим мурожаат қилаётган журналистсиз. Воқеанинг фақат қоралов томонини эмас, оклов томонини урган-ниб чиқишга ҳеч ҳаракат қилдингизми? Йўқ. Ҳеч ким ҳатто кизиккани ҳам йўқ. Мен ҳам бировга уз хикоямни айтиб бергим келади ахир. Мен ҳам жиноятчиларга ҳар доим ёмон куз билан қараганман, шунинг учун ҳамманинг нафратини яхши тушунаман. Аммо бу каби адолатсизлик, бу каби омадсизлик, бу каби шармандачиликка ҳеч ким жим қараб туролмайди. Агар интернет янгиликларидаги ҳамма нарса ҳақиқат бўлганида эди, майли тугри айтишяпти деган булар эдим.

## НОДИРА АМИНОВАДАН МАКТУБ КЕЛДИ

Асосан, банк ҳисобимдаги пуллар тугрисидаги миш-мишлар жуда ачинарли... Ҳозир булар менинг барча тинчимга, барча орзу ҳавасларимга, келажакдаги режаларимга нукта қуйиб қуйди. Келинг яхшиси, агар сиз тушунадиган инсон бўлсангиз, суд қарорига мурожаат қилайлик. Айбисиз деб топилгандан кейин ҳам шахсий маълумотлар хали ҳам сайтларда

ни кутиб қолишини билдирган бўлса-да, Нодирахонга айтадиган сўзларимизни оммага ҳам билдиришга қарор бердик. Энди мактубга ўтсак.

*Веб-саҳифадаги мақолаларда шахсий маълумотлар чоп этилганлиги боис, хавфли булса-да, тушунишингизга умид килиб, узим сизга мурожаат қилишга қарор қилдим. Шахсан журналист – Тулки Қораевга куйидагиларни баён этмоқчиман. Тушунишимча, халқаро журналистика қонунига асосан, жиноятда шубҳаланаётган шахслар номи оммага эълон қилинмайди. Худди мана шу қоида Швеция матбуоти томонидан қаттиқ ҳурмат қилинади ва унга амал қилинилади.*

Нодирахон, сизнинг шахсингиз қаердан ошқора бўлиб қолганлигини мен билмайман. Интернет саҳифаларида Юрий Жуковский деб аталаётган қиллерга яқиндан қўмақ берганлардан бири Нодира Аминова ва унинг эри Баҳодир Пўлатов эканлиги очикланган, қамина бу маълумотдан фойдаланганман. Яъни мен бундай қилишга тўлиқ ҳақли эдим. Швецияда ҳам бу қонун амал қилади ва мен уни ҳурмат қиламан.

Аммо сизнинг амалга оширган жиноятингиз ўзбек халқининг, миллатнинг қўксига урилган найза бўлди. Буни албатта англасангиз керак ва шу сабаб ҳам саҳифамизга мактуб йўллаб, мени мулзам қилишга уринибсиз. Менга Швециядаги жорий тартиблар ва қонунларни писанд қилишдан олдин, уни ўзингиз содир қилган жиноят билан қиёслаб кўрсангиз яхшироқ бўларди. Ҳар неки, мен сизнинг жонингизга қасд қилмадим. Ёзган мақолаларимдан эса асло хижолат бўлманг. Бу шунчаки ўтиб кетади. Давр ахир қимлардан ўтмади?

*Менинг Швецияга қелишимдан мақсадим ҳамма Ўзбек ёшлари каби орзу қилинган чет эт таълимини олиш ва ёруғ юз билан ватанга қайтиш бўлган. Худди мана ниятимдан хали ҳам қайтганим йўқ. Чунки бизни уйда кавми-кариндошлар сабрсизлик билан кутиб туришибди.*

Нодирахон, сиз бироз янгилишяпсиз, шекилли. Ўзбек ёшларининг ҳаммаси ҳам чет элда ўқишни орзу қилаётгани йўқ. Баъзи бировлар буни ҳаёлининг қўчасидан ҳам ўтказмайди. Чунки бундай имконият бармоқ билан санарлик ёшларга насиб этади, шунда ҳам унинг “қаттақонлардан” отаси бўлса. Буни инкор қилмасангиз керак, албатта. Уйингизда сизни кутишаётганликларига ишончим қомил. Яқинлар, қариндошлар ва дўстлар. Албатта МХХ даги қураторингиз ҳам. Ва албатта сиз улар билан учрашасиз. Хотирингиз жам бўлсин!

*Асли ҳам ҳаётда бир нарсага эришишим кийин бўлган. Бутун ҳаётимни хикоя қилиб ёзсам уни охирига етказиб уқишга сабрингиз чидамаса керак.*

*(Давоми кейинги саҳифада)*

ошқора, суд қарори адолатсиз эмиш. Мен сизни жуда ҳам тугри тушунаман. Сиз Ўзбекистонга қайтадиган инсонга ухшамайсиз. Лекин мен талаба бўлганим сабабли, Швециядан бир кун эмас бир кун чиқиб кетишим керак булади. Шунда уйдан бошқа қарерга ҳам борардик. Швед қонуни токи инсонда жиноят содир этиш нияти бўлмаса, уни айбисиз деб топаркан, Аллохга шуқур. Бизнинг меҳмондорчилигимиздан фойдаланиб, мана шу балоларга гирифтор қилган одамларга минг лаънат айтамыз, биз уларнинг ниятини ҳақиқатан ҳам билмаганмиз.

Бизнинг исмишимиз токи сиз тахрир қилмас экансиз, 100 йилдан кейин ҳам интернетда пайдо булаверади. Кейинги суд қарорини қутаётган бўлсангиз, уша қарор айбдор деб топса, бемалол нимани истасангиз чоп этаверинг – агар ҳақиқатан ҳам айбдор бўлсам, мени келажаким кизиктирмас эди. Бу сайтдаги маълумотлар, нафақат менинг балки фарзандимнинг ҳам келажакига путур етказди. Илтимос, шуларни инobatга олинг ва мени тугри тушунинг. Ҳар қандай саволингиз бўлса, ёки воқеани оклов томонини янада чуқурроқ урганмоқчи бўлсангиз, бемалол мурожаат қилаверинг. Жавобингизни кутиб қолам.

Ҳурмат билан,  
**Нодира Аминова**

\*\*\*

### Тўлқин Қораев жавоби

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати веб саҳифасига қамина, Тўлқин Қораев номига бир мактуб келиб тушди. Мактуб 2012 йилнинг 22 февраль куни Обид қори Назаровга ўқ узган қотилга ёрдам берганликда гумонланган шахслардан бири Нодира Аминовадан экан. Мактуб муаллифи қаминани халқаро журналистика этикаларига амал қилмаганликда, унинг шахсига оид маълумотларни ошқор қилганлигимда мулзам қилишга уринган. Албатта, бу мактуб менинг электрон манзилимга эмас, балки ЎХХ сайтига келганидан, муаллиф жавобим-

## НОДИРА АМИНОВАДАН МАКТУБ КЕЛДИ

*Омадсизлигим ва ким нима сураса ёрдамимни аямаганим туфайли мана шу каби ҳолатга тушиб утирибман. Аслида воқеани менинг кўзим билан кўришига ҳаракат қилсангиз мени яхши тушунган бўлардингиз.*

Одамлар ўз ўтмишидаги қийинчиларни ҳикоя қилишдан мароқланишади. Қандай қийинчиликлар билан қандайдир бир орзу этганлигини ва ҳоказо, ҳоказолар ҳақида китоб ёзганлар ҳам оз эмас. Агарда ҳар бир ўзбек ёзувчи бўлганида эди, дунёни ўзбекларнинг хотира китоблари босиб кетган бўларди. Бир қуни келиб, сиз ҳам китоб ёзиб қоларсиз. Уша қийналиб ўсган ўтмишингиз ва эришган ютуқларингиз ҳақида. Аммо сизнинг хотира китобингизда Обид қорига нисбатан суиқасдда шерик бўлганингиз кирмай қолишига ҳам ишонаман.

*Сиз мен биринчи бўлиб узим мурожаат қилаётган журналистсиз. Воқеанинг фақат қоралов томонини эмас, оқлов томонини урганиб чиқишига ҳеч ҳаракат қилдингизми? Йўқ. Ҳеч ким хатто кизиккани ҳам йўқ. Мен ҳам бировга уз ҳикоямни айтиб бергим келади ахир. Мен ҳам жиноятчиларга ҳар доим ёмон кўз билан қараганман, шунинг учун ҳамманинг нафратини яхши тушунаман. Аммо бу каби адолатсизлик, бу каби омадсизлик, бу каби шармандачиликка ҳеч ким жим қараб туролмайди. Агар интернет янгиликларидоғи ҳамма нарса ҳақиқат бўлганида эди, майли тугри айтишияпти деган булар эдим. Асосан, банк ҳисобимдаги пуллар тугрисидаги миш-мишлар жуда ачинарли... Хозир булар менинг барча тинчимга, барча орзу ҳавасларимга, келажакдаги режаларимга нукта қўйиб қуйди.*

Нодирахон, каминага мурожаат қилибсиз, демек лойиқ топибсиз. Бунинг учун миннадорман. Бу ҳаракатингизни илтифотингиз деб қабул қилган бўлардим, лекин начора, ундай дея олмайман. Сабабини ўзингиз биласиз, албатта. Воқеанинг қоралов томонини эмас, оқлов томонини ҳам ўрганишимиз лозим эди. Сизнинг жуда қимматбаҳо адвокатингиз бор эди. Нега ундан мен билан учрашишни талаб қилмадингиз? Ўзингиз учун ҳам мени топиш қийин эмасди боз устига. Исмини ўзгартирган Обид қорини топа оласиз-у, исми-фамилияси ўзгармаган Тўлқин Қораевни топа олмайсизми? Йўқ дея олмасангиз керак.

Ҳамманинг нафратини тушунганингиз учун эса сизга раҳмат. Ҳар қалай, тушунаркансиз-ку. Аммо Обид қорига нисбатан уюштирилаётган суиқасд олдидан ҳам тушунганингизда қандай яхши бўлган бўларди. Шу жумладан сиз учун ҳам! Ҳикояингизни эса айтишингиз мумкин бўлган одамлар кам эмас. Шу жумладан, мен ҳам бажонидил тинглашим мумкин. Лекин бундан сизга бирор наф бўлишига ишонмайман. Интернет янгиликларига шубҳа билдирибсиз. Унда ҳамма гап рост бўлмайди. Бу фикрингизга қўшаламан, албатта. Масалан, интернетда Ислом Абдуғаниевичнинг адолатли, инсонпарвар эканлиги ҳақида ҳам материаллар тегилиб кетган. Аяниқса, Ўзбекистон мабуоти, Исроил матбуоти бу ҳақида оғзи кўпириб ёзади. Булар аслида ғирт ёлгон. Аммо сиз учун бу гапларнинг ҳаммаси

рост. Чунки сиз шу режим хизматидасиз ва уни қоралай олмайсиз. Кўплаб журналистлар ёзишди. Швед журналистлари ҳам, ҳар ҳолда бундан ташвишга тушмаган бўлсангиз-да.

Аммо сизни ташвишга солгани ўзбек журналистларининг мақолалари бўлган. Нима учун? Тўғри тушунган бўлсам, буни ўзбекларнинг ҳаммаси тушуна олади ва улар Обид қорига нисбатан уюштирилган суиқасдга берган қўмагингиз учун пешонангиздан силамайди. Боз устига, режим учун ҳам кераксиз одамга айланиб бўлдингиз. Келгусида муҳолифат ичига қилиб бориш имкониятингиз ҳам йўқ эди. Чунки ортингиздан ёлланма қотил келиб кимнидир отиб кетиши мумкин. Орзу-хаваслар ва келажак ҳақида қайғуриб жуда тўғри қилибсиз. Бу қисматни танлаган сиз ўзингиз бўласиз. Биров мажбурлагани йўқдир, менимча. Демакки, бу оғир юкни энди умрингиз охиригача кўтариб юрасиз. Бир кун келади, Каримов режими ҳам тугайди ва ҳамма нарса ўз ўрнига кела бошлайди. Сизни ва эрингизни қотилга қўмак берганингиз учун балки жазолашмас ҳам, аммо эл нафрати сизларни доимо таъкиб этиб боради. Фарзандларингиз ҳам сизнинг болангиз бўлгани учун таҳқирланиб қолишади. Бу қисматни ўзингиз яратдингиз. Инкор қилишингизга ҳам ишонаман. “Мен билмагандим унинг бунақа мақсади борлигини!” деб швед судларини ишонтира олдингиз. Бирок мен швед суди эмасман-ку. Менга тушунарли-ку нима бўлгани ва нега ёлгон билан қутулиб қолганингиз. Йўқ, суд сизни айбдор деб топмади, балки прокурор айбдорлигингизга етарли далил келтира олмади. Шунинг учун қутулиб қолдингиз! Бу сизнинг айбдор эмаслигингиз далили эмас, балки айбингиз исботланмагани холос. Ҳар неки, Тошкентга борганда, МХХ, ИИБ дагиларга айтинг. Зора, уларга ҳам инсоф битса-ю, одамларни ноҳақдан ноҳақ судлашдан тийилишса.

*Келинг яхшичи, агар сиз тушунадиган инсон бўлсангиз, суд қарорига мурожаат қилайлик. Айбсиз деб топилгандан кейин ҳам шахсий маълумотлар хали ҳам сайтларда ошқора, суд қарори адолатсиз эмиш. Мен сизни жуда ҳам тугри тушунаман. Сиз Ўзбекистонга қайтадиган инсонга ухшамасиз. Лекин мен талаба бўлганим сабабли, Швециядан бир кун эмас бир кун чиқиб кетишим керак бўлади. Шунда уйдан бошқа қарга ҳам борардик. Швед қонуни токи инсонда жиноят содир этиши нияти бўлмаса, уни айбсиз деб топаркан, Аллоҳга шукр. Бизнинг меҳмондорчилигимиздан фойдаланиб, мана шу балоларга гирифтор қилган одамларга минг лаънат айтамыз, биз уларнинг ниятини ҳақиқатан ҳам билмаганмиз.*

Нодирахон, бу гапларингизни Европаликларга айтсангиз, тиззаларини шаппатлаб эшитишади. Фақат мен ишона олмаяпман. Ўзбекларимиз меҳмондўстлигини биламан, аммо яна шуни ҳам биламанки, улар манфаатдор бўлишганларида, жуда меҳмондўстликлари тутиб кетади. Манфаат бўлмаса “меҳмон учинчи кундаёқ сасийди” ва қўча эшигини кўрсатиб қўйишади унга. Сиз мени жуда тўғри тушунишингизни ёзибсиз-у, лекин

Ўзбекистонга қайтмаслигимни ҳам келтирибсиз! Демак мени мутлақо тушунмайсиз. Камина Ўзбекистонга қайтаман. Шу кун келишидан умидворман ва биринчи имкониятдаёқ ўз ватанимда йўл оламан. Хозирда Каримов режими Исроил ва АҚШ қўллаб турибди ва Ўзбекистон муҳожирилари ватанга ҳам қайта олмаяпти. Ишонинг, бу режим абадий қолмайди. Бироз умри чўзилиши мумкин, албатта, лекин абадий эмас. Обид қорига сиз уюшлов уюштирган суиқасддан кўзланган мақсад ҳам режимнинг умирини чўзиш эди. Балки буни тушунмасиз. Сизни фақат режимдан келадиغان пуллар кизиктирган бўлса ажаб эмас.

*Бизнинг исмишимиз токи сиз тахрир қилмас экансиз, 100 йилдан кейин ҳам интернетда пайдо бўлаверади. Кейинги суд қарорини қутаётган бўлсангиз, уша қарор айбдор деб топса, бемалол нимани истасангиз чоп этаверинг – агар ҳақиқатан ҳам айбдор бўлсам, мени келажаким кизиктирмас эди. Бу сайтдаги маълумотлар, нафақат менинг балки фарзандимнинг ҳам келажакига путур етказди. Илтимос, шуларни инobatга олинг ва мени тугри тушунинг.*

Нодирахон, сизнинг исмингизни келтириб мақола битган ёлғиз мен эмасман ва сизни оқлаб бирор нарса ёзсам ҳам, бу билан номингиз оқланиб қолмайди. Кейинги суд қарори ҳам сизни айбдор деб топмаслигига ишонаман, лекин юқорида айтиб ўтганимдек, мен суд қарорига ишонмайман. Улар сизни манфаат қўриб қўйиб юборганларига ҳам ишончим йўқ, албатта. Шунчаки, юқорида айтиб ўтганимдек, прокурорда етарлича исбот йўқлиги учун ҳам қутулиб қолдингиз. Сизни, фарзандларингизнинг келажакини ўйлаб сизни оппоқ қилишингиз эса имкони йўқ. Сиз ўйладингизми, Обид қорининг фарзандлари, набиралари борлигини? Йўқ! Атрофидаги одамларни қанчалар ғам-қайғуга солганингизни-чи? Яна йўқ! Нима истайсиз мендан, Нодирахон? Элнинг ҳурматида бўлган бир инсон февраль ойидан бери ўлим қайтара олишиб ётибди. Сиз уни ҳаётга қайтара оласизми? Йўқ! Демак, мен ҳам исмингизни сиз айтганчалик тахрир қила олмас эканман. Агар сизни оқлаб чиқсам, ўзимга хиёнат қилган бўламан. Судда ҳар қанча гапирганингиз билан ҳам, судни ишонтирддингиз, аммо мени ишонтира олганингиз йўқ. Марҳамат, мени ҳам, бошқаларни ҳам ишонтиринг. Кейин номингиздаги доғларни олиб ташлашга уринсак бўлар. Фақат суд қарорини пеш қилманг! Унга мен ишонмайман.

*Ҳар қандай саволингиз бўлса, ёки воқеани оқлов томонини янада чуқурроқ урганмоқчи бўлсангиз, бемалол мурожаат қилаверинг. Жавобингизни кутиб қоламан.*

*Ҳурмат билан,  
Нодира Аминова*

Нодирахон, мактубни менинг номимга ўз адресимга юборганингизда хатингизга хат билан жавоб берган бўлардим. Лекин сиз сайтга ёзибсиз ва жавобни ҳам саҳифадан олаёпсиз. Саволларим жуда кўп. Истасангиз, саҳифага қўйиб борай, сиз жавоб бериб боринг.

Ҳумат ила  
Тўлқин Қораев

## ТУРКИЯДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР

Яқинда халқаро ташкилотлардан бири эълон қилган маълумотларда Туркия камалган журналистлар сони бўйича дунёнинг олдинги ўринларидан бирини эгаллаши айtilди. Аслида эса ҳозирги кунда Туркия сўз, фикр ва матбуот эркинлиги энг кенг даражада таъминланган мамлакатлардан биридир. Туркияда сон саноксиз расмий ва хусусий газета ва журналлар чиқади, телевидение ва радио каналлари мавжуд, интернет эса деярли чегараланмаган ва цензура қилинмаган. Бундай вазиятда журналистлар нега камалмоқда деган, савол туғилиши табиийдир.

Бу камалган журналистлар асосан икки ғоявий фронтни тамсил қиладилар, десак хаго қилмаган бўламыз.

Булардан биринчиси, Жумхурият Халқ Партиясининг (ЖХП) иккинчиси эса Демократик Жамият Партиясининг (ДЖП) танлаган йўллардир. ЖХП Отатурк замонида қурилган Туркиянинг энг эски партиясидир. Бу кунларда ушбу партия вакиллари тарафидан 20 аснинг бошларида қурилган Жумхуриятнинг (Туркия Руспубликасининг) 89 йили нишонланмоқда. Маълумки, Жумхурият (Туркия Руспубликаси) инкирозга учраган Усмонли давлатининг ўрнига қурилган эди. Яъни, ўша пайтлар жамият бир эътиқодий, ижтимоий ва сиёсий тузумдан бошқасига ўтганди. Усмонли давлати исломий қоидаларга асосланган давлат эди.

Аммо 18 асрдан бошлаб Усмонли давлати таназзулга юз тутганди. Мусулмонлар Ислонинг асл қадриятларидан узоклашиб, турли бадъат ва хурофотлар ботқоғига ботиб қолган, Усмонли хонадонни тахт учун ўзаро жанжал ва низоларга берилган, Усмонли таркибига кирган халқлар (Болқонларда, Африкада) миллий озодлик талаби билан чиқа бошлаганди. Ушбу сабаблар дунёни олти аср бошқариб келган Усмонли давлатининг 20 аснинг бошларида йиқилиши билан яқунланди. Унинг ўрнига янги давлат ва жамият қуришни истаганлар ғарб секуларизми ва миллатчилиги йўлини танладилар. Натижада Ислоний қадриятларни шахс ва жамият ҳаётидан ўчириш компанияси (уруши ҳам дейиш мумкин) бошлатилди ва бу жараён 1950 йилларга давом эттирилди. Туркия Жумхуриятини қуриш мусулмон халққа қарши ўтказилган мана шундай зулм ва сургун сиёсати билан амалга ошганди. (Қаранг: [habervaktim.com](http://habervaktim.com)).

Бугунги кунда ЖХП партияси ўтган асрнинг 30 йилларида ўзи ўтказган қатоғон сиёсати қайтишни орзу қилмоқда. Шунинг учун ҳам аслида ўзи зулм ва қоронғуликни тамсил қилгани ҳолда бу партия вакиллари Эрдўғон ҳукумати “диктаторлик ва фашизмда (?)” айбламоқдалар. Масалан, қуни кеча нишонланган Жумхурият байрамида ЖХП, Ишчи партияси (атеистик партия) ва шунга ўхшаш Ислонга ва мусулмонларга қарши бўлган партия вв а ҳаракатлар Анкарада бир намоиш ўтказишни режалаган эдилар. Айтиш керакки, 21 асрнинг бошланиши бўлган ҳозирги даврда ҳам Туркия Жумхуриятининг қурувчиси Отатуркнинг мовзелейини зиёрат қилиш, унинг

хайкаллари ўрнатилган майдонларга гулчамбарлар қўйиш (худди советлар замонида Ленин мавзолейи ва хайкаллари сифинишлар каби) одати сақланиб қолган. Ҳукумат ЖХПнинг бундай айри намоишини унга қатнашадиганлар орасида турли фитначилар (провакаторлар) борлигини сабаб кўрсатиб, таъқиқлаганди. Натижада бу намоишга қатнашганлар билан полиция орасида тўқнашувлар содир бўлди.

Ҳолбуки, Анкарада ҳукумат ташкил қилган расмий байрам намоишлари бўлиб ўтди. Уларнинг баъзиларига ЖХПнинг атеист Раиси Қиличдорўғли ҳам қатнашди. Аммо бу билан чегараланмаган бу партия вакиллари ўзларининг алоҳида намоишини ўтказмоқчи бўлдилар ва буни таъқиқлаган ҳукуматни фашизмда айбладилар. (Қаранг: <http://www.habervaktim.com/haber/chpli-inceden-olay-sozler-270256.html>). Бунинг устига ЖХП доимо аскарлар ва бюрократия вакиллари билан ташкил топган ва Туркияда қайта қайта ҳарбий тўнтаришларни амалга оширган “сирли давлат”нинг қурувчиси ва ҳамқори ҳамдир.

Бутун бу жиноятлар ҳисобга олинганда ЖХП тамоман таъқиқланиши керак эди. Аммо бу партияга сайловчиларнинг камида тўртдан бири (25%) овоз бергани эътиборга олиб ва Туркия ҳозирда “секуляр диктатурадан” янги жамиятда ўтаётгани учун ҳам Эрдўғон ҳукумати ЖХП га қарши қатъий чоралар кўришдан ўзини тияётган бўлиши мумкин. Ҳозирда қамоқда сақланаётган 70 га журналистлардан бир қисми ЖХП тамсил қиладиган секуляр диктатура ташвиқотчиларидир.

Қамоқда сақланаётган журналистларнинг бошқа бир қисми эса қурд сепаратистларининг ташвиқотчиларидир. Маълумки Туркия аҳолисининг 15 миллионга яқини қурд миллатига оид инсонлар ташкил қилади. Ўтган асрнинг 80 йилларида эътиборан қурд сепаратистлари Туркиянинг жанубий шарқий қисмида “Қурдистон” давлатини қуриш учун ғоявий, сиёсий ва қуроли кураш олиб бормоқдалар. Ҳозирги кунда Туркия қамоқхонларида бундай сепаратизмни тамсил қиладиган 500 га яқин маҳбус очлик қилиш билан ўз норозилиги ўртага қўйишга уринмоқда. Бундай сепаратист ҳаракатлар дунёнинг барча давлатларида таъқиқланган ва уларга қарши давлатлар қуроли кучларини ишлатиши ҳам янглик ҳисобланмайди. Қурд сепаратистларининг хусусиятларидан бири уларнинг мақуравий жиҳатдан ЖХПга яқин туришлари, яъни атеизм ва секуляр давлат тарафдорлари эканликларидир. ЖХП ва ДЖП партиялари шу тарзда атеизм, секуларизм ва фашизм ғояларини олға сураётган ва бу уринишларида Туркияга душман бўлган ташки кучлар тарафидан қўллаб қувватланаётган сиёсий кучлардир.

Тойиб Эрдўғоннинг партияси (Адолат ва Тараққиёт Партияси АТП) ва ҳукуматининг халқаро жамоатчилик кўз ўнгида эса “Янги Усмонлилар”, дея танилгани маълум. Ҳақиқатан ҳам 2002 йилги сайловлардан кейин ҳукуматга келган Эрдўғон ўтган 10 йилда Туркияда жудда катта ғоявий ва амалий ислохотларни амалга оширди.



Авалло 20 асрда Туркия халқининг бошига оғир мусибатлар солган норасмий ҳарбий секуляр тизимга (бу тизим вакиллари “Эргонокон” гуруҳи номи берилган) қақшатқич зарбалар берилди. Натижада Туркия ҳарбий диктатурадан фуқаровийлик жамияти томонга жиддий одимлар отди. Аввалари сурункали инкирозда бўлган иқтисод соҳасига барқарорлик ва жонланиш келди. Эрдўғон ҳукуматидан олдинги даврда доимо Жаҳон Банки (ИМФ)га пул сўраб боришга мажбур бўлган давлат бугун бу ташкилотга қарз бериш даражасига келди. Шу билан бирга инфляция ва ишсизлик даражалари жиддий шаклда камайтирилди.

Туркия ташки сиёсати келади-ган бўлсак, мамлакатнинг Оврупо Иттифоқи аъзо бўлиш жараёни кейинги пайтларда мамлакат сиёсати кун тартибидеги долзарблигини йўқотди дейиш мумкин. “Араб баҳори” келтирилган ўзгаришлар натижасида Туркиянинг Эрон, Ироқ ва Сурия билан муносабатлари ниҳоятда совуқлашиб кетди. Шу билан бирга Ливия, Миср каби давлатлар билан муносабатлар иликлашиб бормоқда. Ўрта Осиё давлатларидан Қозғистон, Қирғизистон, Туркменистон билан, шунингдек Озарбойжон билан яқин муносабатларни кўришга уринилмоқда. Масалан, Қозғистон Президентини Назарбоевнинг яқинда Туркияда қилган расмий ташрифи бу маънода жуда ижобий ўтди, дейиш мумкин.

Сўнгги хабарларга қараганда Туркия ва Ўзбекистон муносабатларини жонлантириш бўйича ушбу давлатларнинг (давлатларимизнинг ҳам дейишимиз мумкин) ташки ишлар вазирликлари вакиллари орасида учрашувлар бўлиб ўтган...

Турк биродарларимизнинг “Йигит йиқилган жойида оёкка туради” (Yiğit Düştüğü Yerden Kalkar) мақолида ифодаланган ҳақиқатни назарда тутадиган бўлсак, дунёда мусулмонларнинг қайта оёкка туришида Туркиянинг роли муҳим эканлиги ўз ўзидан аён бўлса керак. Бунинг учун эса аввало Туркия мусулмонлари ҳозирги аҳволларини янада яхшилаб, дунё ва охираат қадриятларига (ислом дини шундай қадриятларни эъзозлайди) амал қилишни янада тараққий қилдиришлари, ЖХП ва ДТП каби атеистик ва фашизм ғояларига асосланган фиркаларнинг таъсиридан батамом қутулиши, Сурия бўҳронининг тугатилиб, Ўрта шарқ давлатлари ва шунингдек Ўрта Осиёдаги туркий давлатлар билан мустақкам алоқаларни йўлга қўйиши керак бўлади. Аммо бу йўлда аввал қилинадиган иш Туркия Давлатининг янги Конституцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш эканлигини ҳам унутмаслигимиз керак...

Зебунисо: Олдин хабар берганимиздек, 6 декабр куни «Озодлик» радиоси мухбирлари билан учрашган Чехия Президенти коммунистик режим даврида айнан бугун Муҳаммад Солиҳ сақланаётган Панкратс қамоқхонасида ўз эркин идеаллари учун жазо муддатини ўтаб чиққан Вацлав Хавел Муҳаммад Солиҳнинг Чехияда қамоққа олиниши ўз мамлакатининг халқаро обрўсига путур етказганини билдирди.



## ВАЦЛАВ ХАВЕЛ: «МЕН СОЛИХНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УЧУН ҚУРАШЧИ ҲАМДА БЕГУНОҲ ЭКАНИГА ИҚРОР БЎЛДИМ...»

Етакчи чех газета ва телеканаллари хабарлари бўйича Чехия жамоатчилигининг Муҳаммад Солиҳ борасидаги муносабати Президент Хавелнигина уйқаш экани кўриниб турибди. Адолат Малик тайёрлаган лавҳада Президент Хавел ва чех жамоатчилигининг Муҳаммад Солиҳнинг қамоққа олиниши ҳодисасига муносабати акс этган.

Адолат Малик: Ўзбекистон «ЭРК» демократик партияси раиси Муҳаммад Солиҳнинг Прагада қамоққа олингани, одатда, осойишта ва тинч чех жамиятини тўлқинлантириб юборди.

Чехияликлар Муҳаммад Солиҳ иши замирида ўзини «эркин ва демократик» деб атаётган бу мамлакатнинг қай даражада демократия асослари ва халқаро қонунларга амал қилаётганини кўриш мумкинлигидан баҳс этмоқдалар.

Ҳақиқатдан ҳам, гарчи Чехия республикаси Европа Иттифоқи аъзо бўлишга интилаётган бўлсада, мамлакатнинг қатор соҳалари, шу жумладан, Адлия вазирлиги ҳамон ислохотларни кўрмагани унинг Европа Иттифоқи давлатлари қаторига қўшилишига катта тўсиқ бўлиб турибди.

Муҳаммад Солиҳнинг Прага аэропортида БМТнинг Женева Конвенцияси асосида берилган ҳужжати бўлишига қарамай, қамоққа олиниши Чехия полициясининг халқаро қонунлардан яхши хабардор эмаслигини намойиш этмоқда.



Мамлакат Президенти Вацлав Хавелнинг ўзи ҳам «Озод Европа-Озодлик» радиолари мухбирлари билан учрашуви чоғида Муҳаммад Солиҳнинг қўлга олинганини «бюрократик хато ва ислом омилидан кўрқув» дея баҳолади. (Вацлав Хавелнинг овози) Президент Хавел Муҳаммад Солиҳнинг тоталитар давлатга топшириш мумкин эмаслиги ва у Норвегияга қайтарилиши кераклигини таъкидлаб ўтди.

«Озодлик» мухбирининг нима учун Чехия Президенти шу пайтгача Солиҳ масаласи бўйича муносабат билдирмагани ҳақдаги саволига Ватслав Хавел шундай жавоб берди: «Мен ўз фикримни билдиришдан олдин барча маълумотларни ўрганиб чиқишим керак эди. Интерпол ҳаракатларини «бемаъни» деб аташга тилим бормади, аммо энди мен Солиҳнинг инсон ҳуқуқлари учун курашчи ҳамда бегуноҳ эканига иқроор бўлдим.

Мен бу фикрларимни Чехия Адлия вазирлиги ва Ички Ишлар вазирлигига ҳам билдирдим», деди диссидентлик фаолияти учун қамоқда ўтириб чиққан Чехия Президенти.

Айтиш лозимки, Чехия оммавий ахборот воситалари ҳамда мамлакатдаги чет тилларда чиқадиган газеталарда ҳам Муҳаммад Солиҳ иши кенг ёритилмоқда. Чехиядаги ўнг қанот Ижтимоий Демократик Партияга қарашли «Лубова новини» газетасида Ички Ишлар вазирининг собиқ ўринбосари Петрушко Шухрованинг «Диктатор хизматидами?» номли мақоласи чоп этилган. Унда муаллиф Чехия полицияси Прага аэропортида ўзбек шоири ҳамда Ўзбекистон демократик муҳолифатининг лидери ни ҳибсга олганини қайд этади. Чех республикасининг жаноб Солиҳни Тошкентга қайтариш орқали Марказий Осиёдаги диктаторга жиддий

сиёсий рақибдан халос бўлишига ёрдам бўлиши мумкин, деган андиша ватандошларимнинг кўнглини ранжитаяпти, деб ёзади муаллиф ва Чехия жамоатчилигини бунга йўл қўймасликка чақиради. Ўтмишда ўзи Ички Ишлар вазирлигида юқори лавозимда ишлаган Шухрова жорий вазир Станислав Грун Муҳаммад Солиҳни озод қилиб, рўй берган ходиса учун ундан узр сўраши кераклигини таъкидлайди.

Айни пайтда марказий партияларга қарашли «Nota Fronte-news» газетасида чоп этилган бир мақолада «Муҳтожликдаги одамлар» номли нодавлат ташкилоти вакили Томаш Боярнинг Муҳаммад Солиҳ масаласи бўйича фикрлари ўрин олган.

Муаллиф Ўзбекистоннинг халқаро аксилтеррор ҳаракатларида ҳамкорлик қилаётгани мақтовга сазовор эканини қайд этиш билан бирга, кейинги ўн йил ичида Ўзбекистон халқи тамомила мамлакат Президентининг хизматкорига айланиб қолганини таъкидлайди.

Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришни истаган давлатлар ўзларининг дунёдаги энг қаттиққўл ҳукумат билан алоқа қилаётганини доимо инobatга олишлари кераклигини урғулайди.

Мақола муаллифи Муҳаммад Солиҳ масаласи демократик дунёнинг қандай ҳодисалар рўй беришига йўл қўйиши мумкинлигини кўрсатаётгани ҳамда терроризмга қарши кураш ниқоби остидаги ҳаракатлар асоратлари Прагада ҳам сезилабошланганини кўрсатади.

Муҳаммад Солиҳ масаласи бўйича фикр билдирган чехиялик зиёлилардан бири мамлакат президенти айтганларига қўшилишини маълум қилади. «Мен Президент Хавелнинг Солиҳ масаласида бюрократик хатога йўл қўйилгани ҳақдаги фикрига қўшиламан, чунки бу одам мамлакатимизга БМТ ҳужжати билан келди.

Мен доимо мамлакатимизни «демократик давлат» деб ҳисоблаганман, бироқ Муҳаммад Солиҳ билан юз берган ходиса бунинг аксини кўрсатапти, деди Васко исмли прагалик.

Унинг фикрича, муаммони имкон қадар тезроқ ҳал қилиш орқали Чехия ўзининг ҳақиқатан ҳам демократик давлат эканини намойиш этиши мумкин.

## КАСАЛЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ ДАВОСИ

### Баъзи паразитлар саратонга (ракка) ҳам йўл очади

Баъзи паразитлар, хусусан, ичакларда табиий равишда яшайдиган трематодлар юкорида кўрсатилган сабаблар билан тўқимаси бузилган, ярали ичаклардан қон айланишига аралашади, тўқималарга ёйилади.

Тўқималарда пропилен алкохол, формальдегит ёки бошқа эритувчилар бўлса, трематодлар кўпайиш имконини топишади. Бу моддалар ҳар уйда ишлатиладиган косметик, кир ювиш кукуни, шишадаги ичиш сувлари, шакар ва озуқа саноати маҳсулотларида мавжуд бўлиб, танада тўпланмоқда.

Паразитлар жигарда - гепатитга, ошқозон ости безида - диабетга, тимус (бўқон) безида - ОИТСга, миёда - алзгеймер, шизофрения ёки депрессия ўхшаш синдромларга, ўпкада - астмага, буйракларда - гломерулонефритга, простата безида - простатитга, бачадонда - эндометриозга, кўз ва мускулларда - оғрик ва кичишга сабаб бўлади.

Паразитлар кўпайганда ўсиш (каттайиш) факторини ҳам ишлаб чиқаради. Ўсиш фактори тўқималардаги хужайраларнинг бўлинишига йўл очади.

Паразитлар қанчалик тез кўпайса, шунчалик кўп ўсиш фактори ишлаб чиқарилади ва тўқималарнинг хужайралари шунчалик тез бўлинади.

Паразитларнинг тўқималардаги кўпайиш тезлиги тўқималардаги қолдик моддалар миқдори билан боғлиқ. Қолдиқлар қанча кўп бўлса, беморнинг ҳолати шунчалик хавф остида. Танадаги оғир металллар ва эритувчилар паразитларнинг кўпайишини ташвиқ қилиб, ўсиш факторини ҳам активлаштиради.

Бу жараён тадқиқотчилари наздида ҳар қандай саратонда (ракда) кузатилади. ("Шиш ва саратон (рак)" бўлимига қаранг.)

Ухлаётган оғиздан сўлак оқиши, уйқуда чўчиш, тишларни ғичирлатиш, терлаш, тер ва ахлатнинг ёмон ҳиди танада паразит мавжудлигидан далолат беради.

Америкада янги "Моргеллонс" номли касаллик топилди. Моргеллонс белгилари: қоринда гижжа ва ари чақиш ҳисси; терида қизғиш рангдаги қичишадиган тери лезион(яра)лари; тери остидан мовий, қизил, яшил, шаффоф ёки оқ фибра иплари, қандайдир қурт ва қора ҳашоратсимон парчаларнинг чиқиши. Бу «ип»лар ва парчалар - шилимшиқи сақичсимон модда инсон териси остида ҳаракат этади. Моргеллонснинг бошқа симптомлари: чарчаш; бўғимлар оғриғи ҳисси, неврологик таъсири эса, зехн паришонлиги, яқин замон хотирасини йўқотишдир. Баъзи давлатлар томонидан ишлаб чиқарилиб, учоқлардан сепилган захарли қимёвий моддалар ёки сунъий махлуқотлар, эмлаш ва дориларда қўлланилган "сунъий онг"ли нанотехнологик маҳсулотлар, ген муҳандислиги ёки антибиологик қурол тадқиқотлари ушбу касалликнинг

сабаблари сифатида кўрилмоқда.

Баъзи тадқиқотчилар эса янги чиққан, қиммат, "бутун касалликларга даво" ҳисобланган дорилар, антибиотиклар, антифунгал кремлар, витаминлар, ҳайвонларга бериладиган дори ва қўшимчали емлар, генетики ўзгартирилган Хитой пахтадан тўкилган газмоллар ва газмоллардан тайёрланган маҳсулотлар сабаб бўлганини илгари суришмоқда. Буларнинг ҳаммаси эхтимол доирасидадир.

Бугунги кунда бу касалликни агробактерия билан ҳам боғламоқдалар. Тўғрироғи, бу агробактерия - турли ўсимлик ва ҳайвонлардан олинган трансгенларни ўзида мужассам этган плазмидлардир. Улар ўсимликларда шиш ҳосил қиладиган тупрок бактериясининг таркибидagi плазмидлардир. Бу плазмидларни биотехнологлар генларни кўчириш(ГМО)учун ишлатадилар. Айнан шу бактериялар нафақат ўсимликлар, балки ҳайвон, ҳатто инсон организми хужайралари(DНК)га ҳам трансформация бўлишга қодирдир. Бугун Нью Йоркдаги биохимия профессори Виталий Цитовский, агробактерия ёрдамида Моргеллон касаллигини ҳайвонларда моделлаштиришга эришди.

Украинада эса «Каргил» ширкати қатга майдонда генетики ўзгартирилган қунгабоқар экади. Бу ширкат далаларидаги ўргимчак, пашша ва бошқа турли ҳашоратларда ҳам ўша Моргеллон касаллиги белгилари пайдо бўлган. Бу ҳашоратлар юкорида таъриф этилган даҳшатли рангли «ип»лар билан чўллангандир. Моргеллон касаллигини даволаш мумкин эмас, чунки плазмидлар ўсимлик, ҳайвон ва инсон ДНКаси ичига трансформация бўлиб, организмнинг бир парчасига айланади. Ўз навбатида, организм ҳам ГМО (мутант) организмга айланган бўлади.

### Паразитлардан даволаш:

Озикланишни тузатиб, ичакни даволаш тугатилганида, гижжалар тўқиладиган бўлади. Ундан кейин қилинадиган жигар тозаланиши билан жигар ва ичаклардаги паразитлар тамоман тўқилади. Чунки тозаланган органларда гижжаларга қиладиган иш қолмайди.

Қуртларнинг ўлик ҳолда тўқилиши жигардаги токсинларнинг қанчалик ўлдирувчанлигини, яъни хавфлилигини кўрсатади.

Тозаланиш асносида ва кейинги кунларда ҳар куни эрталаб 1 ош қошиқ асал 1 стакан сув билан аралаштириб ичилади. Табиий асал топилмаса, лимон суви, грейфрут суви ёки ҳар қандай мева суви ичилади.

### Жигар тозаланишидан кейинги кун:

Эрталаб 1 ош қошиқ асал 1 стакан илик сув билан аралаштириб, бир чой қошиқ (болаларга 5-7 томчи) седана ёғи қўшиб ичилади.

1 соатдан кейин то тушгача қовурилмаган ошқовоқ уруғи яшил ич пўстлари билан оз-оздан ейилади.

Уруғ миқдори болалар учун 100 гр, қатталар учун 200-300 грамм. Қовоқ уруғи болаларга эзилиб ва асал билан аралаштириб берилади. Агар уруғ асал билан ейилса, асал шарбатини ичишга ҳожат қолмайди.

Тушда қизил лавлаги, турп, сабзи, янги пиёз ёки саримсоқ, шивит, қоратундақ, райхон ва жамбул билан қилинган салатга, седанали зайтуннинг сузилган ёғи қуйиб, ейилади. Бу салат фақат таом эмас, балки гижжаларга қарши ҳам кучли доридир. Салатдан 2 соат кейин энгил таом еса бўлади.

Кечқурун пўстлари олинмасдан бугда ёки палов ичида пишган 1 ўртача бош саримсоқ ейилади. Унинг ўрнига 7-11 дона (болаларга 3-5 дона) янги саримсоқ ҳам ейиш мумкин. 3-5 кун бу шаклда давом этилади. Саримсоқдан аввал 1 чой қошиқ седана ёғи (болаларга 5-7 томчи) грейфрут ёки сабзи сувига аралаштириб ичилади.

Седана, саримсоқ, пиёз, долчин, қоразира, арпабодиён, оқ қалампир, қора қалампир, қора мурч, қардамон (хил), қарам ва селдир уруғлари, грек ёнғоғи, қалампирмунчоқ, дафна барги ва меваси, шувокўти, жамбул, мойчечак, ялпиз, зайтун ёғи қуртларга қарши дори ҳисобланади. Уларни алоҳида ёки аралаштириб ишлатиш мумкин.

### Масалан:

Қоразира + қарам уруғи + селдир уруғи + жамбул тенг миқдорда майдаланади.

### Ёки:

3 миқдор қоразира + 3 миқдор арпабодиён + 1 миқдор долчин + 1 миқдор оқ қалампир + 1 миқдор қора қалампир аралаштириб, майдаланади.

Бу аралашмалардан бири 3-5 кун давомида эрталаб-кечқурун сув билан 1/2 чой қошиқдан ичилади. Бу даво билан жигар ва ичаклардаги гижжалар тўқилади.

Тўқималарни паразит, личинка ва уруғлардан тозалаш учун "Шиш ва саратон (рак) давоси" бўлимига қаранг.

Бугун паразит терапиянинг янги методлари қўлланила бошлади. Булардан бири «биорезонанс (заппер) терапияси»дир. Биорезонатор ёрдамида электромагнетик тўлқинлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу тўлқинлар организмдаги бутун паразитларни йўқ қилади. Бу усқунани ижод қилганлар унинг мутлоқ зарарсиз эканини таъкидлашмоқда.

Бизнинг фикримизча, бу усқуна зарари тезда ошқор бўлади. Чунки мингларча хил хужайралардан керагини танлаб ўлдириш имконсиздир. Йўқ қилиш жараёнида, истар-истамас, организмдаги бутун хужайралар зарар кўради.

Бутун касалликлар Оллоҳнинг қонуни билан бузилгани сабабли пайдо бўлади. Бу ҳақиқат мисоллар билан китобимизда кўрсатилди. Агар бирор дори ва усқуна ёрдамида даволаниш мумкин бўлсаиди, у ҳолда, Оллоҳнинг ўша қонуни билан ишламаган бўларди.

(Давоми кейинги да)

## ВАРИКОЗ ВА ГЕМОРОЙ (ВЕНА ТОМИРЛАРНИНГ КЕНГАЙИШИ)

(Давоми: Боши Олдинги саҳифада)



Томирларнинг кенгайиши (варикоз) йўғон ичакларнинг ахволини кўрсатади ва бавосил (геморрой) билан бир хил илдизга эга.

Бир нечта сигирдан соғиб олиниб аралаштирилган, пастеризация қилинган, узок муддат сақланган сутлар, қўшимча моддали ва эритилган пишлоклар, маргаринлар ва трансген ёғлар, иссиқ хамиртурушли нон, печенье, чипс каби тайёр таомлар, қоришик ва эскирган овқатлар охиригача ҳазм бўлмайди.

Давомли равишда ҳазмсизлик натижасида талоқ ва жигарда томирлар тикилиб қолади, бу аъзоларда фермент ишлаб чиқариши камаёди. Бу ҳолатда эса ичакларнинг ҳаракати секинлашиб, ич қотиши юз беради. Ўз навбатида давомли ич қотиши бавосилга (геморройга) ва вена томирларнинг кенгайишига олиб келади. Қадимги табиблар: “Талоқнинг фаолияти бузилмагунча, бавосил (геморрой) ва вена томирларнинг кенгайиши рўй бермайди”, - дейишган.

### Варикоз ва Геморройнинг умумий давоси

Даволашни овқатланиш таркиби ва тартибини тўғрилашдан бошлаш керак. Юқорида санаб ўтилган таомлардан тамоман воз кечиш керак. Шу билан бирга, ичакларни даволаш ва ишлатиш, жигарни, қонни ва томирни тозалашни амалга ошириш лозим. Таҳоратда хожатхона қоғозининг ўрнига кўпол матоҳ ва совуқ сув ишлатиш керак. Совуқ сув ва матоҳ анус мускулларининг қувватини оширади ва қон айланишини тезлаштиради. Шу тариқа анус атрофида жойлашган, мияга уланган акупунктур нуқталарнинг покиза ва очик бўлиши таъминланади.

Бундан ташқари, ич кийим кенг бўлиши керак.

#### Дорилар:

200 гр зайтун ёғи 40 гр майдаланган янги седана билан аралаштирилиб, бир ҳафтадан кейин сузилади. Тамом бўлгунча кунига бир қошиқдан овқатнинг устига тўкиб ёки тўғридан тўғри ичиб, истеъмол қилинади.

Янги ёки қуритилган қичитки ўти эзилади ва сирка билан йўғрилади. Кейин ёғли қоғозга сурилади, бу қоғоз варикозли жойларга ва геморрой устига

маҳкам жойлаштрилади. 10-12 соат қўйилгач, яллиғланиш туфайли ҳосил бўлган суюқлик оқади ва шишлар тарқалади.

Бир ош қошиқ зиғир уруғи 100-150 гр иссиқ сув билан 1,5-2 соат дамланади ва эрталаб-кечурун ичилади. Ёки зиғир уруғи майдаланади ва асал шарбаати билан ичилади. Зиғир уруғи истеъмол қилингандан кейин занжабил чойи ичилади.

Зиғир уруғининг фақат данаги ёки янги майдалангани қўлланилади.

30-40 кун давомда ниҳол (янги униб чиққан) бугдой қўлланилади.

Чой сифатида мойчечак, жамбул, қичитки ўти, яшил чой ва зиғир уруғи қўлланилади.

Баклажон поялари қурутилиб, майдаланади ва эрталаб-кечурун бир десерт қошиқ сув билан ютилади ҳамда бавосил (геморрой) шишларининг устига қўйилади.

Ялпиз билан қатик суви ичилади. Бундан ташқари, фил касаллигига (элефантиазга) ҳам яхши бўлади.

#### Агар ич қотса,

Тенг миқдорда сано + кашнич уруғи ёки қичитки ўти майдаланиб, таом устига сепилиб, истеъмол қилинади. Бу қоришмалар қоринни оғритса, санонинг миқдори қорин ва катта таҳорат нормаллашадиган даражагача камайтиради.

#### Бавосил (геморрой) давоси

Оғрийдиган геморрой шишларига тўғралган картошка + асал қоришмаси ёки седана + зайтун ёғининг қоришмаси ёки асал + кепак қоришмаси ёғли қоғозга жойлаштирилади ва бавосил (геморрой) шишларига қўйилади.

#### Бошқа даво:

7-11 дона зулук анус атрофига қўйилади.

Думғазадан қон олдирилади.

Сонларнинг ички тарафига банка қўйилади. (“Банка қўйиш” бўлимига қаранг.)

Оёқлардаги варикозга ҳам худди шу усул қўлланилади.

Бавосил (геморрой) шишлари қонаса:

Бавосилдан (геморройдан) келаётган қон қуюқ бўлса, қонашни тўхтатиш тўғри эмас. Бундай қон оқиши натижасида организм ўзини токсинлардан ва ортиқча моддалардан тозалайди ҳамда кўпқонликдан муҳофаза қилади.

Бундай қонашни тўхтатишга ҳаракат қилиш соғлиққа зиён етказадди. Қонаш билан ташқарига чиқмаган ортиқча ва захарли моддалар вужудда тўпланиб, парапроктит, минингит, туберкулёз, садаф (псориаз), пес (витилиго), саратон (рак) ва моховга сабаб бўлиши мумкин.

#### Қоннинг ранги қизғиш бўлса:

Седана ёки хурмо данаклари

қовурилиб, майдаланади, ёки тухум қобиғи қовурилиб, туйилади. Тоза бир матога сепилиб, бавосил (геморрой) шишларининг устига қўйилади.

Бавосил (геморрой) шишлари яллиғланса-ю, қонамаса

Аччиқ қовун тўғрамаси яхшилаб майдаланган аччиқ бодом ва асал тенг миқдорда аралаштирилиб, анус ичига суртилади. Бир вақтнинг ўзида шу қоришма бавосил (геморрой) шишларининг устига қўйилиб, ёғли қоғоз билан маълум муддат ёпилади.

#### Ёки:

Янги майдаланган седана асал билан араштирилади ва айни тарзда бавосил (геморрой) шишларининг устига қўйилади.

#### Ёки:

Бавосил шишларининг устига тез-тез хино ёғи қўйилади. Хино ёғи бавосил шишларининг очилишини, яллиғланиш натижасида шишларда йиғилган суюқлик ва қоннинг оқишини таъминлайди.

### Варикоз (вена томирларнинг кенгайиши) давоси

Варикоз оғриқларини қолдириш учун варикозли оёқларга совуқ сув қўйилади.

Янги ёки қуритилган қичитки ўти эзилади ёки сирка билан йўғрилади. Сўнгра ёғли қоғозга суртилади, варикозларнинг устига жойлаштирилади ва 10-12 соат қўйилади. Бу муолажа яллиғланиш натижасида йиғилган суюқликни оқизади, шишларни кетказди.

Варикозлар устига олдин олма сиркаси суртилади; 1 соатдан кейин бавосил давосида кўрсатилган шаклда тайёрланадиган седанали зайтунёғи суртилади. Бу муолажа 1-2 ой давом эттирилса, яхши натижа беради.

Кунига бир марта 5 гр исирик уруғи 2 ҳафта давомда суви билан ютилади.

1/2 чой қошиқ мускат (қичик ҳинд ёнғоғи) тўғрамаси ёки 1/6 мускат бўлағи хар куни оғизда эритиб, ютилади.

Бу муолажа бир йилда 2-4 ҳафта давомда қилинади. Қадимдан табиблар ҳозирги кунимизгача варикозга қарши мускатдан (қичик ҳинд ёнғоғидан) яхши дори топишмаган.

Ичаклар тузалса, бавосил тузалади ва инсон унинг борлигини унутди. Варикоз шиш ва доғлари буткул тузалмаса ҳам, ҳеч қандай оғриқ ва ноқулайлик яратмайди.

Ярага айланган варикозларни даволаш учун “Яралар” бўлимига қаранг.

### ОЙДИН СОЛИҲ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан  
(Давоми келгуси сонда)

“Эркин Юрт” интернет-газетаси  
Мустақил манбааларнинг  
маълумотларидан фойдаланилди.  
Масъул муҳаррир  
**Қамолддин Йўлдош**